O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**БОҚИЙ ФИКРЛАР**

*Билим кимё мисол:*
*у туради жам,*
*Заковат саройи каби ўзи ҳам.*

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 31-mart, chorshanba № 25 (8258) ISSN 2010-6416

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ХАЛҚ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатламини, шу жумладан ёшларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2008 йил 1 апрелдаги ПФ-3983-сонли Фармонининг 1-бандида назарда тутилган, уй шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари – якка тартибдаги тадбиркорлар учун 2012 йилнинг 1 апрелигача узайтирилсин.

2. "Ҳунарманд" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармонда назарда тутилган солиқ имтиёзи татбиқ этиладиган "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари – бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини уй шароитида ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар рўйхатини аниқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юқорида кўрсатилган солиқ имтиёзининг тўғри қўлланилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 30 март



*«Olimpiada — 2010»*

## БИЛИМ — МУВАФФАҚИЯТ АСОСИ

**Олимпиаданинг Тошкент шаҳар босқичи Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабда икки кун давом этди. Биринчи куннинг ўзидаёқ барча ижодий иш баҳоланиб, қайдномага кўчирилди ва натижалари олимпиада қатнашчиларига эълон қилинди. Аудиторияга таклиф қилинган иштирокчиларга уларнинг ёзма (амалий) ишлари 5 дақиқа давомида танишиб чиқиши учун тарқатилди, зарур ҳолларда ҳакамлар ҳайъати аъзолари уларга тушунтириш беришди.**

(Давоми 3-бетда.)

**ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА**

**ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ:** таълим сифатини оширишга хизмат қилади — 5-бет

**БИЗНИНГ ЙЎЛ — ИЛМ-МАЪРИФАТ ЙЎЛИ** — 7-бет

**ИСТЕЪДОД — БУЮК КАШФИЁТ** бунда тўгараклар фаолияти муҳим — 10-бет

**ТЕАТР — ИБРАТХОНА** — 12-бет

# ЭЗГУЛИК — БОҚИЙ ҲИКМАТ

***Тинчлик ва осудаликнинг маъно-моҳияти, қадри ва аҳамияти бугунги дориломон кунларда айримлар учун у қадар ҳам катта маъно-мазмун касб этавермайди, назаримда.***

Munosabat

Улар учун бу оддий ҳол, гўёки ҳар доим шундай бўлган ва у давом этаверади. Аммо, тинчликнинг, фаровонликнинг тақчиллигини ўз кўзимиз билан кўрган биз каби кекса авлод бугунги осойишта ва фаровон кунлар ортида не-не қаро кунлар бўлганини ҳатто ёдга олгиси ҳам келмаскан. Ҳар гал 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида хаёлан фикр юритарканман, шукрона келтираман. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши келтирган кулфатлар кишини сергакликка ундайди. Мана 65 йилдирки, ана шу мислсиз вайронкорликка барҳам берилган қутлуғ санани хурсандчилик билан нишонлаш баробарида, жангоҳларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб оламдан ўтган юртдошларимиз хотирасини эъзозлаб ёдга оламиз. Бугун кексалик гаштини сураётган уруш қатнашчилари ва фронт ортида фидойилик кўрсатган фахрийларимизга яна бир бора иззат-ҳурматимизни изҳор этамиз.

Мен ҳам уруш етказган азиятларни озми-кўпми татидим. Қорли-қировли кунларда қўллари совуқдан жунжикиб, ёзув-чизувга қовушолмай ўтирган болаларга дарс бериш, ҳарф ўргатиш кишининг юрагини эзиб юборадиган кунларнинг хотираси ҳали хаёлимдан узоқлашган эмас. Ёмғирли кечаларда эрталабгача мактабга олиб борар йўлу йўлаклар лойга беланар, ҳатто синфхоналаригача чакка ўтиб моғор ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетарди. Начора, барибир яхши кунларнинг умиди билан яшар, ишлар эдик. Бугун эса равон кўчалар бўйлаб замонавий қиёфа касб этган мактаблар томон бурилар эканман, севинчдан киприкларимда ёш айланади. Синф хоналарининг жаҳон андозалари даражасида жиҳозланиши, спорт майдончаларидаги имкониятлар, тўғриси, етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган. Ўғил-қизларимга «Бу кунларнинг ўзи келмаган, уни қадрланг. Аъло ўқишингиз, ватанпарвар, миллатпарварлигингиз билан жавоб қайтаринг...», дея такрор-такрор айтаман.

Мен қатор йиллар Қизилтепа туманидаги 22-мактабда ўқувчиларга француз тилидан дарс бердим. Лекин мустақилликкина тилни билган фарзандларимизга дунё эшикларини очди. Ҳурият хизматларимни юқори баҳолаб, кўксимга 1-даражали «Соғлом авлод учун» орденини тақди.

Яқинда матбуот саҳифаларида муҳтарам Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонини ўқидим. Фармон фақатгина фидойилик ва жасоратга кўрсатилган ҳурмат-эътиборгина эмас, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат назаримда. Чунки, фармон бандларида қайд этилганидек, «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофотлари ўз эгаларига алоҳида ташкил этилган маросимларда Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан топширилади. Бу тадбирларда, табиийки, ёшларимиз ҳам иштирок этади. Улар ғалабанинг ўзи келмагани, оппоқ, беғубор тонгларимизнинг нақадар катта бебаҳо неъмат эканини яна бир бора англаб, юрт учун қилинган фидойилик, миллатпарварлик катта таъзим-эҳтиромларга муносиб эканига гувоҳ бўлишади. Хотира ана шундай муқадас туйғудир.

**Сайдилла ИСМАТОВ,**
**меҳнат фахрийси.**
**Навоий вилояти.**

# САВОЛ БЕРИНГ — ЖАВОБ БЕРАМИЗ



***САВОЛ: — Мен навбатдаги малака оширишга жалб қилиндим. Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мактабимиздан 28 километр узоқликда жойлашган. Институтда малака оширишим мобайнида менга хизмат сафари учун пул бериладими? Хизмат сафари учун пул бериш меъёри қандай белгиланган?***

**Холида ХЎЖАМҚУЛОВА,**
**Жиззах туманидаги 37-мактаб ўқитувчиси**

**ЖАВОБ:** — Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига малака ошириш институтларида малакасини оширган даврда иш ҳақи билан биргаликда барча қўшимчалар сақланиб қолган ҳолда ходимнинг малака ошириш даврида хизмат сафари харажатлари учун маблағ Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2003 йил 24 июлдаги 83-сон ва 7/12-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги Йўриқноманинг 10-бандига асосан хизмат сафарига юборилган жойга бориш ва доимий иш жойига қайтиш билан боғлиқ йўл харажатлари умумий фойдаланиладиган транспортнинг барча турларида (таксидан ташқари) юриш харажатларига (йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда корхона раҳбарига хизмат сафарига юборилган ходимнинг йўл харажатларига ҳақ тўлаш масаласини ҳал қилиш ҳуқуқи берилади) ўрнатилган тартибда ҳақ тўланади.

***САВОЛ: — Мен кўп йиллардан бери информатика фанидан дарс бериб келаман. Кейинги пайтларда компьютер техникасининг зарари ҳақида кўп гапирилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда бу фан ўқитувчилари учун ойлик иш ҳақига қандайдир қўшимча ёки устамалар белгиланганми? Ёки нафақага чиқиш муддати бўйича бирор имтиёзлар бериладими?***

**Э.ҚОРАБОЕВ,**
**Иштихон тумани**

**ЖАВОБ:** — Умумтаълим мактабларида информатика фанидан дарс бераётган ўқитувчиларга бугунги кунда Директор жамғармасидан махсус комиссия Низомига асосан (Ушбу ўқитувчиларни махсус комиссия устама олишга лойиқ деб топса) касб маҳорати учун 25 (15, 20, 25) фоизгача ҳамда тарбиявий ва синфдан ташқари амалга оширган ишлари учун 15 (10—15) фоизгача устамалар белгиланади. Лекин мазкур ўқитувчиларга бу каби мақсадларга ойлик иш ҳақига бошқа қўшимчалар ва нафақага чиқиш вақтида имтиёзлар йўқ.

**И.СУЛТОНОВ,**
**ХТВ Молиялаштириш,**
**бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

# ОЛТИН МЕРОСГА ОЛТИН КЎПРИК ЯРАШАДИ

“Юрт ўғлонлари миллат шаъни, ғурур ва орини муқаддас билаётган айни замонда ватанпарварлик туйғусини келгуси авлод қалбига янада чуқур жо этиш зиё аҳлининг энг эзгу мақсадларидан бирига айланиб бораётганлиги қувонарлидир. Унутилиб бораётган бебаҳо маънавий дурдоналаримиз ўтган 19 йиллик мустақиллик даврида йиғилди. Галдаги вазифа эса ана шу олтин меросга олтин кўприк вазифасини ўтаб, уни ёш авлодга етказишдир”.

Элшунос олим, тарих фанлари номзоди Билол Аминовнинг юқоридаги фикрлари Тошкент шаҳридаги 152-мактабда бўлиб ўтган “Собитқадам” ҳарбий-ватанпарварлик тадбирининг асосий мазмун-моҳиятини очиб берди. “Баркамол авлод йили” муносабати билан ташкиллаштирилган мазкур тадбирнинг буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг таваллуд куни арафасида ўтганлигининг ҳам ўзига хос рамзий маъноси бор.

Мактаб ҳовлиси Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби билан тантанавор руҳда безатилган. Ҳарбий либосдаги жажжи болажонларнинг “Ватанга қасамёд” ҳайкали пойида қабул қилган қасамёди акс этган видеолавҳа тадбирга янада ўзгача руҳ бағишлади. Шоир Искандар Раҳмоннинг “Ҳарбийча алифбо” шеърий тўплами асосида Билол Аминов томонидан тайёрланган “Собитқадам” услубий сценарийси бўйича ўтган ушбу тадбир ёш авлодга маънавий-руҳий қувват берди, десак хато бўлмайди.

— Муаллифларнинг мазкур ўқув-услубий қўлланмаси ўз мазмуни, йўналиши ва моҳияти билан ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар бир оила, шунингдек, таълим муассасаларида ўқитиб-ўргатишга мўлжалланганлиги бу борадаги дастлабки қадам эканлиги билан аҳамиятлидир. Ўқувчилар қўлланмадаги шеърий мисраларни ёд олиш билан бирга ўқитувчи-мураббийлари ёрдамида турли жисмоний ҳаракатлар, ўйинлар билан мантиқий боғланган тадбирлар ўтказишлари ҳам мумкин, — деди 152-мактаб директори Марзия Мавлонова. — Бугунги тадбир ҳам ана шу жиҳатлари билан барчада катта таассурот уйғотди.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ,**
**“Ma'rifat” мухбири**

Anjuman

# ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ:

## УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

*Қўқон давлат педагогика институтида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ана шу мавзуга бағишланди. Анжуманда Республика олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган 200 нафарга яқин профессор-ўқитувчи ва иқтидорли талабалар иштирок этди.*

*Жорий йилда ҳам юртимизда жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлиб вояга етаётган ёшларга илм олишлари, спорт ва илмий-ижодий иш билан мунтазам шуғулланишлари учун барча моддий ва ҳуқуқий асослар яратиб берилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизимини узлуксиз равишда ривожлантириш ва такомиллаштиришдан тўла манфаатдор. Шу асосдагина етук, малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш соҳасида муваффақиятга эришиш мумкин. Шу боис бугун муайян мутахассисликлар бўйича олий классификацияли илмий ва илмий-педагогик кадрларни шакллантириш катта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Бу муҳим масалага «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида алоҳида эътибор қаратилган.*

*— Институтимизда талабалар илмий-ижодий фаолиятини бугунги кун талаби даражасида ташкил этишга катта эътибор берилмоқда, — деди Қўқон давлат педагогика институти ректори В.Маҳмудов. — Ёш олимлар корпуси кенгайтирилди. 500 нафарга яқин иқтидорли талаба илмий тадқиқот ишларига жалб этилиб, олимлар, профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида илмий изланишлар — бўлғуси номзодлик диссертациялари устида иш олиб боришга йўналтирилмоқда.*

*Конференциянинг биринчи кунида мавзуга доир маърузалар тингланиб, муҳокама қилинди. Анжуман иштирокчилари икки кун давом этган конференцияда «Баркамол авлод ва ёшлар илмий-ижодий фаолияти», «Илмий-ижодий фаолиятнинг педагогик-психологик муаммолари», «Таълим жараёнида ёшларнинг илмий-ижодий фаолиятини шакллантириш», «Талабаларда тадбиркорлик малакасини шакллантиришнинг илмий асослари» йўналишларидаги шўъбалар ишида иштирок этиб, мавзу юзасидан фикр алмашдилар.*

*Анжуман якунида мавзуга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.*

**Баҳодиржон ШОКИРОВ,**
**“Ma'rifat” мухбири**

# БИЛИМ — МУВАФФАҚИЯТ АСОСИ

## Olimpiada — 2010



Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

* * *

Аввал хабар қилганимиздек, Наманган вилоятида ҳам республика фан олимпиадаларининг навбатдаги босқичи якунланди. Холислик ва уюшқоқлик асосида ўтказилган ушбу фан олимпиадаларидан ҳакамлар ҳайъати ҳақиқий ғолибларни аниқлади. Албатта, энг иқтидорли ўқувчилар орасидан сўнги босқичга муносиб номзодларни саралаб олиш осон кечмади. Белгиланган топшириқларни бекаму кўст бажаришлари учун ўқувчиларга ажратилган парталар рақамланди. Лаборатория ишлари ўтказиладиган хоналар жиҳозлари кўздан кечирилиб, зарур ҳолатларда таъмирланиб, ишга шай ҳолатга келтирилди.

Умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида рақобат майдонини вужудга келтирган вилоят босқичи ғолибларини саралашда ташкилий қўмита таркибидан ташқари, апелляция комиссиялари ва бошқа тузилмалар таркиби ҳам шакллантирилди.

Қувонч ва ҳаяжонларнинг чеки йўқ. Ғолиб бўлишга ким даъвогар бўлмаслиги мумкин?! Ниҳоят, ғолиблар рўйхати эълон қилинди. Биринчи ўринга муносиблар 20 нафар бўлиб, улардан икки нафарининг фикрларини тинглашга қизиқдик.

**Ҳилола Каримова, НамДУ қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси:**

— 84,5 балл тўплаб, она тили ва адабиёти фани бўйича иштирокчилар орасидан энг кучли деб топилдим. Бу натижага эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Муваффақиятимда устозим Шерали Турғуновнинг хизматлари катта эканлигини мамнуният билан эътироф этаман.

**Адҳам Рашидбеков, Наманган шаҳридаги 58-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси:**

— Рус тили ва адабиёти фанидан ғолиб чиқдим. Ниятим, республика босқичида ҳам фахрли ўринга сазовор бўлишдир.

Ғолиб ўқувчиларни барча яқин инсонлари — устозлари, ота-оналари, синфдошлари табриклашди.

**Пўлат ҲАМДАМ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

* * *

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

*Кимё фанидан иштирокчилар 1-турда кимёвий мувозанат, эритмалар, оксидланиш-қайтарилиш реакциялари ва органик кимёдан органик моддаларнинг формуласини аниқлашга йўналтирилган 4та масала, 2-турда лаборатория машғулоти, 3-турда эса тест топшириқларини юқори савияда бажаришди.*

*Икки проекция асосида учинчи проекцияни топиш ва аксионометриясини қуришга оид амалий ишга чизмачиликка меҳр қўйган бўлажак меъморлар иштиёқ билан киришишди, — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Комил Мансуров. — Уларнинг ишини баҳолашда чизманинг тўғри бажарилиши, чизиқ турларига, график саводхонлигига алоҳида эътибор бердик.*

*— Информатика фанидан аввалги йиллар айрим ўринлар бўш қолган эди. Бу йил иштирокчилар дастурлаш бўйича масалаларни яхши ечишди, — деди Ҳамза туманидаги 244-мактаб ўқитувчиси Нигора Қаюмова. — Математикага оид туб сонларни топиш, функцияларни ҳисоблаш, куб қирраларини рақамлар бўйича бирлаштиришга оид дастур тузишда ўқувчилар 50 балдан ўртача 20—30 балл тўплай олдилар. Аммо, ўз ўрнида айтиш жоизки, математикадан билими кучли бўлмагани сабабли айрим иштирокчилар дастур тузишда бироз қийналишди ҳам. Бироқ, нима бўлганда ҳам олимпиада қизғин баҳсларга бой бўлди.*

*— Синфдошим Шоҳсанам 1-ўринни, мен эса 2-ўринни эгалладим, — деди 274-мактаб ўқувчиси Зулхумор Жўраева. — Бу ютуғимиз учун устозимиз Аҳат ака Азаматовдан, энг замонавий русумдаги компьютер синфи мавжуд бўлган мактабимиз имкониятларидан мамнунмиз.*

*Она тили ва адабиёти фанидан 1-турда ёзилган иншоларни варақлар эканмиз, ундаги ўқувчининг ёзма қобилияти, шахсий фикр-мулоҳазаси, турли манбаларда ифодаланган фикрлардан хулоса чиқара олиши, саводхонлиги ҳайъат аъзоларини қониқтирди.*

*«Юртим! Қиёматгача туғилажак гўдакларнинг, дунёдан бевақт кетган бегуноҳ инсонларнинг ҳақлари бор сенда. Эркинг учун курашиб, қонлари тупроғингда «ял-ял» ёнган мард ўғлонларнинг ёдлари бор сенда. Оҳ, нақадар бой тарихга эгасан-а? Шу шонли тарихинг ичра «эрк» сўзи неча марта порламади? Афсона бўлган Широқларингнинг тилида қандай сўз янгради экан? Эрк сўзи эмасми?» Ушбу сатрларни Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактаб ўқувчиси Парвина Омонованинг иншосидан айнан берар эканмиз, эрк учун курашчан буюк боболаримизга чексиз ҳурматни ҳис этдик.*

*Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб ўқувчиси Маҳбуба Зайниеванинг иншосида ҳам ўтли, Ватанга ҳурмат ифодаланган жумлаларни ўқиб таъсирландик.*

*«Мен келажакни, баркамол инсонни орзулар орқали тасаввур қиламан. Мен ўз юртимда қум зарраси каби кичкина бўлсам ҳам, сахий қуёшнинг бир нури бўлиб, юртим тупроғини иситгум бор. Бу борада шоира бўлиб, юртимни мадҳ этгум бор, меъмор бўлиб, саройлар қургум бор, устоз бўлиб илм-маърифат улашгум бор. Саҳарда гулга тушган шудринг қанчалик шаффоф бўлса, юртимнинг келажаги ҳам шундай беғубор бўлишини истайман».*

*Рус гуруҳларида ўзбек тили фанидан «Баркамоллик сари», «Ватан тупроғи муқаддас», «Севимли машғулотим», «Миллий қадриятларга ҳурмат» мавзусида ёзилган ижодий ишларда ҳам ватанпарвар, ҳаракатчан, изланувчан ёшларни кўрдик. Айниқса, Дмитрий Тен (291-мактаб), Умида Саодатова(300-мактаб), Асила Жўрабоева (194-мактаб), Альбина Чернова (168-мактаб) каби иштирокчилар ўзбек халқ мақоллари, Президент асаридан кўчирмаларни ўз ўрнида келтириб, юқори балл тўплай олди.*

*Биология фанидан «Ўсимлик ҳужайраларида плазмализ ва деплазмализ жараёнларини кузатиш» мавзусидаги лаборатория ишларини бажаришда Т.Абдувоҳидов (150-мактаб), М.Мелибоева (69-мактаб), Ш.Ҳамроев (240-мактаб)лар микроскопдан тўғри фойдаланиб, назарий жиҳатдан бажарган ишларини пухта ҳимоя қилишди.*

*Биз айрим фанлар олимпиадасига тўхтала олдик, холос. Қолган фан олимпиадалари ҳам Низом асосида ўтказилди.*

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

* * *

**Тошкент ахборот технологиялари коллежида бўлиб ўтган фан олимпиадаларининг шаҳар босқичида академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўзаро билимларини синовдан ўтказишди. Олимпиаданинг иккинчи куни иштирокчилар фанлар бўйича ёзма ишлари жавобларини билган ҳолда кейинги тур — тест ва амалий машғулотларда ўз билимларини намойиш этди.**

Давлат тест марказидан махфийлиги сақланган ҳолда муҳрланган конвертда келтирилган вариантлилик асосида тайёрланган ёзма, амалий иш, тест саволлари ташкилий қўмита вакиллари, ота-оналар, ҳакамлар ҳайъати, ўқувчилар гувоҳлигида очилди.

— Ўқувчиларнинг ёзма жавобларини ҳамда амалий иш натижаларини текширар эканмиз, уларнинг саволларга пухта жавоб берганликларига гувоҳ бўлдик. Ҳаттоки ўқувчилар кичик деталларгача эътибор қилишган. Бу эса, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ташкил этилаётган ноанъанавий сабоқлар ҳамда «Ёш биологлар», «Табиат бурчаги», «Жонли табиат» тўгаракларидаги амалий машғулотлар самарасидир, — деди олимпиаданинг биология фани бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Чилонзор тиббиёт коллежининг биология фани ўқитувчиси Саодат Ҳасанова.

Олимпиадада наинки, касб-ҳунар коллежи, академик лицейлар ўқитувчилари балки, институт, университетлар профессор-ўқитувчилари ҳам назорат ходимлари сифатида иштирок этишди. Улар ҳар бир жавоб варағини ҳакамлар ҳайъатига исм-фамилияси кўрсатилмаган ҳолда шифрлаб беришди. Ҳакамлар натижаларни текширганидан сўнг назоратчилар шифрланган варақларни ташкилий қўмита раисига топширишди. Имтиҳонлар сўнгида ҳар бир натижалар эълон доскасига осиб қўйилди.

Шу каби қатъий тартиблар асосида ўтган олимпиада натижалари эълон қилинди. Унга кўра, олимпиаданинг шаҳар босқичига йўлланма олган 3-курс бўйича 239 нафар ўқувчидан 41 нафари, 2-курс учун 234 нафардан 31 нафар ўқувчи Республика босқичига йўлланма олди. Натижалар шуни кўрсатдики, ҳар икки курсда ҳам ғолибларнинг 50 фоизи 83—86 балл, 30 фоизи 88-89 балл, 20 фоизи эса 90 балл тўплашга эришган.

— Фан олимпиадасида кимё фанидан иштирок этиб, 86,5 балл билан Республика босқичига йўлланмани қўлга киритдим, — дейди ЎзМУ қошидаги С.Сирожиддинов академик лицейи ўқувчиси Шаҳноза Отажонова. — Ўтган йили ҳам олимпиаданинг шаҳар босқичида қатнашиб, 3-ўринга муносиб топилган эдим. Кейин билим малакам ҳам камроқ натижа берган эди. Бу йилги олимпиадага ҳам пухта тайёргарлик кўрдим. Биринчи турда 5та масала юзасидан ёзма жавобни ёздик. Иккинчи турда лаборатория хоналарида амалий иш бажардик. Бизга $BaCl_2$ $CH_3COONa$, $CaCl_2$ моддаларни аниқлаб бериш вазифаси топширилди. Бунга ўхшаш амалларни устозим Ойбек ака билан ҳар ҳафта лицейимизнинг замонавий жиҳозлар билан таъминланган кимё хонасида бажарганмиз. Шунинг учун ҳам амалий лаборатория ишини техник хавфсизлик қоидасига риоя қилган ҳолда алоҳида эътибор билан бажардим. Учинчи турдаги тест саволларини ечишда ҳам дарс ва машғулотларда ўзлаштирган билим, малака ва кўникмаларим қўл келди.

Хуллас, олимпиада низомига кўра ғолиб бўлган 3-курс ўқувчилари Республика босқичида, 2-курс ўқувчилари кейинги йил олимпиаданинг шаҳар босқичида тўғридан-тўғри иштирок этиш имкониятини қўлга киритди. Бу кўрсаткичлар эса, иқтидорларни кашф қилган бўлса, баъзиларнинг янада кўпроқ билим ва малака олишларига туртки бўлди.

**Ҳулкар РАЖАБОВА,**
**"Ma`rifat" мухбири**

* * *

Наврўз таровати кўнгилларда ҳукмронлик қилаётган шу кунларда юртимиз академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва мактаб ўқувчиларининг умумтаълим фан олимпиадаларининг вилоят (шаҳар) босқичи баҳслари қизғин тус олди.

Байрамона шукуҳ, баҳорий ифор билан тўлган Фарғона шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган Давлат мактаб-интернати ҳовлисида баҳсларнинг вилоят босқичи очилиши маросими бўлиб ўтди. Маросимда сўз олган Республика Халқ таълими вазирлиги, вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими бошқармаси вакиллари олимпиада қатнашчиларини билимлар синови билан самимий табриклаб, уларга омад тилади.

Шундан сўнг олимпиадада иштирок этиш тартиблари яна бир бор эслатилгач, иштирокчилар беркитилган синф хоналарига кирдилар. Ҳар бир фан йўналиши бўйича синф хоналарига жойлаштирилган ўқувчиларга ёзма иш мавзулари ва топшириқлар берилиб, вазифаларни бажариш муддатлари таъкидлаб ўтилди. Аниқ ва табиий фанлар — математика, информатика, физика, кимё, чизмачилик, география ва иқтисодий билим асослари каби фанларнинг ўзига хос томонлари эътиборга олинган ҳолда, амалий машғулотларга 3-4 соат, қолган фанларга 2 соатдан вақт ажратилди. Бундай ҳол тест топшириқларини бажаришда ҳам амал қилинди.

Низомга асосланган ҳолда тест ва ёзма ишлар кўп вариантлилик тамойили асосида тайёрланиб, махфийлиги сақланган ҳолда махсус муҳрланган конвертларда олимпиада баҳслари ўтказиладиган жойга келтирилди. Синовлар бошланишидан аввал ташкилий қўмита аъзолари, ҳакамлар ҳайъати ва аудитория раҳбарлари иштирокида қуръа ташлаш йўли билан танлаб олинди. Синов шартларига доир материаллар ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилгач, ўқувчиларга тарқатилди. Ўқувчилар томонидан бажарилган ишларни йиғиб олиш ва текшириш ишлари Низомда кўрсатилган тарзда амалга оширилди.

Шундай қилиб, 23-24 март кунларида 203 нафар академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва 445 нафар умумтаълим мактаби юқори синф ўқувчилари иштирок этган билимдонлар баҳсида энг зукко ва қобилиятли 48 нафар ўқувчи саралаб олинди. Ғолиб ўқувчиларнинг 27 нафари умумтаълим мактаблари, 21 нафари эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидир.

— Олимпиаданинг барча босқичларида Низом талабларига қатъий амал қилинаяпти — дейди олимпиадани ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси, вилоят ХТБ бошлиғи Зикрилло Тешабоев. — Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, баҳслар давомида Ўзбекистон, Олтиариқ, Фарғона, Сўх, Учкўприк туманларидан ташриф буюрган билимдон ўқувчилар синовга пухта тайёргарлик кўрганликларини намойиш этдилар. Сараланганлар ичидан саралаб олинганлар, албатта, баҳсларнинг якунловчи 4-республика босқичида Фарғона вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилишига ишонамиз.

**Баҳодиржон ШОКИРОВ,**
Фарғона вилояти

**ЗАНГИОТА ТУМАНИДАГИ 32-МАКТАБ 2008 ЙИЛИ МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАНДИ, ЛАБОРАТОРИЯ ЖИҲОЗЛАРИ, ЎҚУВ МЕБЕЛЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ.**

Март ойида мазкур мактабда барча фанлар бўйича «Очиқ дарслар фестивали» ўтказилди. Уларда Феруза Асомова, Доно Зайниддинова, Ҳошим Шамсиддинов, Дилфуза Буваматова, Маъруф Юнусбоев сингари ўқитувчилар фаол иштирок этди. Мактаб директори Дилафрўз Тошхўжаева бошчилигида педагоглар жамоаси фестивални мазмунли ва самарали ўтказиш учун иш режасини ишлаб чиқдилар.

Режага мувофиқ, малакали устозлар мутахассислар, ўқитувчилар ва ота-оналар иштирокида замонавий педагогик технологиялар асосида очиқ дарслар ўтказилди. Мактабнинг энг моҳир ўқитувчилари ҳамда туман халқ таълими методистларидан иборат ишчи гуруҳи фестивалнинг ҳар томонлама мазмунли ўтишини таъминладилар.

Таъкидлаш лозим, намунали очиқ дарслар Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида махсус жиҳозланган ва қўшимча кўргазмали қуроллар билан безатилган синф хоналарида ўтказилди. Шу боис ташкил этилган фестивал ўқувчилар билим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатди. Буни фестивалда барча синф ўқувчиларининг фаол иштироки ҳамда эришилган билим самарадорлигидан кўриш мумкин. Шунингдек, фестивал педагоглар маҳоратини ҳам синовдан ўтказиб, улар тажрибасини янада бойитди, десак муболаға бўлмайди.

**Санжар РУСТАМОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

**ОППОҚ БАҲОР КУНЛАРИДА ТАШРИФ БУЮРГАН НАВРЎЗ АЙЁМИ АРАФАСИДА ЧИРОҚЧИ ТУМАНИДАГИ ОҚ ТЎНЛИ ҚИШЛОҒИДА АЖОЙИБ ЯНГИЛИК ЮЗ БЕРДИ.**

Қиркинчи баҳорни қарши олаётган бир гуруҳ синфдошлар ташаббуси билан тумандаги 99, 103 ва 107-мактабларнинг 9-синф ўқувчилари ўртасида математика, физика ҳамда она тили ва адабиёт фанларидан танлов ўтказилди. Танловга бош соврин сифатида компьютер жамланмаси қўйилди. Синов асосан тест топшириғидан иборат бўлиб, ВХТБ, маҳалла фаоллари ва ташкилотчилар вакилидан иборат ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди. Синовда учта мактабдан 31 нафар ўқувчи иштирок этиб ўз билимларини синаб кўрдилар. Танлов якунига кўра, 103-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Бегзод Хидиров юқори балл тўплаб, биринчи ўринни қўлга киритди ва бош соврин соҳиби бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритган 99-мактаб ўқувчиси М.Бердиёров ва 107-мактаб ўқувчиси М.Авғонова ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шунингдек, синфдошлар томонидан байрам кунлари қишлоқ ёшлари иштирокида кўпкари, кураш ва футбол мусобақалари ҳам ташкил этилди.

**Севин ОЧИЛОВ,**
**Қашқадарё вилоят ХТБ ахборот хизмати бошлиғи**

**ЎҚУВЧИЛАРДА КИТОБ ЎҚИШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УЛАРНИ КИТОБГА, АРМларига ЯҚИНЛАШТИРИШ ВА МУСТАҚИЛ ФИКРЛОВЧИ, МАЪНАН БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ МАҚСАДИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН "ЭНГ ФАОЛ КИТОБХОН" КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ.**

Танловнинг I босқичи республика шаҳар, туман ва қишлоқ жойларидаги АРМларида ўтказилиб, унда 10 000 нафардан ортиқ китобхон иштирок этди. Иккинчи босқич эса барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ўтказилди. Бунда 500 нафардан зиёд китобхон ўзаро беллашди.

Бунда ғолиб бўлган жами 13 нафар ўқувчи Республика болалар кутубхонасида ғолиблик учун курашдилар. Зукко китобхонлар бир-бирлари билан 4та шарт юзасидан беллашдилар. Ноанъанавий тарзда ўз туғилган гўшаси билан таништириш, ёзувчи, шоирлар ва уларнинг асарлари ҳақидаги билимларини кўрсатиш, маqоллар бўйича беллашув ҳамда эркин мавзуда ўз иқтидорини намойиш этиш шартларида иштирокчиларнинг билим даражаси, қизиқишлари акс этди.

Танловда олий ўрин Навоий вилояти Нурота туманидаги 1-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Отамурод Ҳамдамовга, биринчи ўрин эса Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 9-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Садоқат Ҳамидовага насиб этди.

**Зилола РУСТАМОВА**

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ "ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ" ФАНИДАН БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ, ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛАШ, "ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ" ҒОЯСИНИ ЁШЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШ УЧУН ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ 30-МАКТАБ 7-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА "ЯШИЛ ЧИРОҚ" КЎРИК-ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Гуруҳлар "Савол-жавоб", "Биринчи ёрдам", "Эркин мавзу" каби 7та синов бўйича беллашдилар. Беллашувда ҳар иккала гуруҳ аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, 46-46 ҳисоби билан тенг натижа қайд этишди. Мактаб маъмурияти томонидан фаол ўқувчилар совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, мактабда 3та гуруҳга бўлинган 7-"В" синф ўқувчилари биология фанидан ташкил қилинган танловда ҳам билимларини синаб кўришди. "Ҳумо" гуруҳи 23 балл тўплаб пешқадамликни қўлга киритди. 5та шартдан иборат мазкур кўрик-танловда фаол қатнашган Раҳим Эгамбердиев, Роҳила Зокирова, Бекзод Шарипов, Азиза Мамаюсупова каби ўқувчилар мактаб жамоаси томонидан муносиб рағбатлантирилди.

**Назира РАҲМАТОВА,**
**Тошкент туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси**




**— БУГУНГИ КУН БОЛАСИ ФАНЛАРНИ ЯХШИ ЎЗЛАШТИРИШ БИЛАН БИРГАЛИКДА ТУРЛИ ТАДБИР ВА КЕЧАЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШИ ҲАМ МУҲИМДИР», — ДЕДИ ТЕРМИЗ ШАҲРИДАГИ 11-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ДИРЕКТОРИНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ ДИЛБАР МУҲАММАДИЕВА.**

— Бу тадбирларда менталитетимиз, миллий ғоямиз, маънавий ва маърифий дунёқарашимиз, маданиятимиз, қолаверса, санъатга бўлган муносабатимиз, қадриятларимизнинг улуғланиши каби жиҳатлар мужассам.

Ана шундай тадбирлардан бири «Йўл қоидаси — умр фойдаси» номи остида 5-«А» ва 5-«Б» синф ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтди. Фан ўқитувчилари Ҳуринисо Жабборова бошчилигида «Ёш пиёдалар» (5-«А» синф) ва Махфират Норматова бошчилигидаги «Ёш назоратчилар» (5-«Б» синф) гуруҳларининг «Йўл ҳаракати қоидалари» фани бўйича олган билимлари бу синовда ўз аксини топди. Синф раҳбарлари бу тадбир давомида фақат кузатувчи сифатида иштирок этишди ва болаларнинг кундалик ҳаётда кўча қоидаларига эътибори, уларга амал қилиши, светофор рангларидаги рамзийликларни таништирув, саҳна асари, савол-жавоб ва гуруҳ сардорларининг чиқишида кўрсатиб беришди.

Асака ва Самарқандда ишлаб чиқарилаётган машиналар таърифи, Светофорнинг болаларга мурожаати, пиёдалар ва назоратчиларнинг бурчлари каби чиқишлар барчада катта таассурот қолдирди. Саҳнада 5-«А» синфнинг ноанъанавий чиқишлари, 5-«Б» синфнинг билимдонлиги кучларнинг тенглигини исботлади. Кеча сўнгида барча иштирокчиларга «Ёш йўловчи» номинацияси дипломлари топширилди.

**Дилбар НОРМУРОДОВА.**
Сурхондарё вилояти

**ҲАР БИР БОЛА — БИР ДУНЁ. ДЕМАК ТАРБИЯЧИДАН ҲАР БИР БОЛА БИЛАН АЛОҲИДА ИШЛАШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ. ХЎШ, ТАРБИЯЧИ БОЛАЛАРНИНГ КЎНГЛИГА ЙЎЛ ТОПИШ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛИШИ КЕРАК?**

Тўрткўл туманидаги 29-МТМда бўлиб ўтган амалий семинарнинг бош мавзуси ана шу масалага қаратилди. Семинарни туман халқ таълими бўлими мудири Комил Сейтимбетов очиб берди. Тадбир аввалида МТМ фаолияти билан танишилди. Кейин бир неча машғулотлар кузатилди. Жумладан, тарбиячи Замира Қаландарованинг «Билимлар сайёрасига саёҳат» мавзусида янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтказган машғулоти барчада яхши таассурот қолдирди. Машғулот жараёнида тарбиячи ақлни чархлаш, хотирани мустаҳкамлашга хизмат қиладиган саволжавоблар, қизиқарли ўйинлар ёрдамида болаларни фаол қатнаштиришга ҳаракат қилди. Ушбу амалий машғулотни кузатган семинар қатнашчилари, ёш тарбиячилар ўзлари учун амалий кўникма, тажриба ва хулосаларни олишди.

Машғулотлар тугагач, меҳмонлар сумалак сайлига таклиф этилди. МТМнинг жажжи тарбияланувчилари «Боғчамизда баҳор нафаси» номли кичик байрам дастурини намойиш этишди.

Шундан сўнг «Болаларни мактабга тайёрлаш — бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири» мавзусида ташкил этилган давра суҳбати билан амалий семинар якунланди. Семинар ташкилотчиларидан бири туман ХТБ мактабгача таълим муассасалари бўлими методисти Агилаш Ешмуродова сўзга чиқиб, ўтказилган амалий машғулотлар ҳақида фикр билдириб, тарбиячиларга услубий тавсия ва маслаҳатларини берди.

**Равзатулло ОДИНАЕВ,**
**Соҳиба МУЛЛАЕВА**

**ЮРТИМИЗ УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА "МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ ЎҚУВ ЙИЛИ" ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Шу муносабат билан Бухоро вилояти Жондор туманидаги 48та умумтаълим мактабларида ҳар ойда маънавият ўқувлари ташкил этиб келинмоқда.

"Баркамол авлод тарбияси — миллий юксалиш гарови", "Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар" "Инсон азиз, хотираси муқаддас" каби мавзулардаги ўқувлар шулар жумласидан.

Яқинда тумандаги 5-умумтаълим мактабида юқоридаги изчил жараёнларнинг мантиқий давомига айланган навбатдаги тадбир бўлиб ўтди. Унда ХТБ вакиллари, ўқитувчи ва мураббийлар иштирок этди.

— Бу каби ўқувларда педагоглар ўзаро фикр алмашиб, дарс жараёнларида қўл келадиган қимматли маълумотларга эга бўладилар, тажриба алмашадилар, — деди тадбир қатнашчиси, инглиз тили ўқитувчиси Моҳира Шукурова.

**Саодат КОЗИМОВА**



**ЮРТИМИЗ МАКТАБЛАРИДА УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН ФИЗИКА, КИМЁ, БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ОЙЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ОЧИҚ ДАРСЛАР, ТУРЛИ ХИЛ ТАНЛОВЛАР ВА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИБ, ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИЛАЁТИР.**

Хусусан, Собир Раҳимов туманидаги 134-умумтаълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси Зарафшон Аликулова ҳам фан сирларини ўқувчиларга етказиб, уларнинг пухта билим олишига замин яратаяпти. У дарс жараёнида ўқувчиларнинг назарий билимларини умумлаштириб, лаборатория иши орқали мавзуни очиб беришга интилади.

Айниқса, муаллиманинг интерфаол усуллардан фойдаланиши ва қизиқарли ўйинлар билан машғулотларни олиб бориши ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишини оширяётир.

*Суратда: З.Аликулова машғулот жараёнида.*

*Qaror va ijro*

# ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ:

## таълим сифатини оширишга хизмат қилади

**Умумтаълим мактаблари моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва уни замон талаблари асосида шакллантиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг аҳамияти катта. Бу маблағларни зарурий эҳтиёжларга йўналтиришда Васийлик кенгашларининг ташкил этилгани айни муддао бўлди.**

**Таълим муассасаларида ушбу кенгаш жамоатчилик асосида ишлайди ва уларни бошқаришда кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки таъминланади. Ота-оналар, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, ҳомийлар ва бошқа жамоатчилик вакиллари ташаббуси билан таълим муассасасида тузиладиган бундай кенгашлар мактаблар фаолиятини янада яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.**

Ушбу кенгаш низоми Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари, "2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури", Вазирлар Маҳкамасининг 414-, 263-сонли қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида тузилган бўлиб, давлат таълим муассасалари, хусусан, Васийлик кенгаши фаолиятини молиялаштиришни ўз ичига олади. Жумладан, "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг 31-моддасида белгиланганидек, давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Қонуннинг 32-моддасида эса таълимни ривожлантириш жамғармалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилади, деб қайд этилган. Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида ҳам таълим тизимини янада ривожлантириш, уни ислоҳ қилишда бюджет ташкилотлари билан бир қаторда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий тақдим этилган маблағлардан фойдаланиш кўзда тутилган.

Кўриниб турибдики, таълим жараёнини ташкил этиш, фарзандларимизга билим олишлари учун шароит яратиш, билим даргоҳларининг моддий-техника базасини янада такомиллаштириш, ободончилик ишларини олиб бориш, мактабдан ва синфдан ташқари тадбирларни ташкил этиш, болалар спортини ривожлантириш, кам таъминланган, муҳтож оилалар фарзандларига мурувват ёрдамини кўрсатиш, педагог ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш каби жараёнларда фақат давлат мутасадди ташкилотлари эмас, балки юридик, жисмоний шахслар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳам қатнашиши зарур.

Агар васийлик кенгаши ҳақида кенгроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, бу бир неча асрлардан буён жамоатчилик бўйича тажрибада ижобий баҳо олган тизим эканини кўриш мумкин.

Бугунги кунда Васийлик кенгаши ривожланган мамлакатларда ҳам кўп қиррали ишларни амалга оширади. Жумладан, Англияда кенгаш фаолияти юқори даражага қўйилган. Айрим нуфузли мактаблар шаҳарлар ташқарисида жойлашган бўлиб 100 гектардан 1000 гектаргача хусусий ерларга эга.

Мамлакатимизда ҳам жамиятнинг ривожланиши, халқимиз турмуш шароитларининг яхшиланиши, иқтисодиётнинг барқарор юксалиши ҳамда тадбиркорликка давлат томонидан кенг шароит яратилиши таълим муассасаларида васийлик кенгаши фаолиятини оммавий равишда ташкил этиш вақти келганидан далолат беради.

Шу боис ташкил этилган васийлик кенгашлари мактабларда бюджетдан ташқари тушган маблағларни самарали, таълим жараёнининг барча иштирокчиларига фойдали бўлишига кўмаклашиш ва назорат қилиш, таълим муассасасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, турли хизматлар кўрсатиш орқали бюджетдан ташқари маблағлар жамғармасини янада бойитиш молиявий, моддий техникавий ривожланишнинг бошқа йўналишларини белгилашда жамоага кўмаклашиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш сингари вазифаларни бажаради.

Васийлик кенгаши маҳаллий ҳокимиятлар билан мактаб номидан музокаралар олиб бориш, фуқаролик жамияти номидан мактаб маъмурияти билан масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадир. Шунингдек, васийлик кенгаши ота-оналар, ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари таркибида ташаббускор гуруҳлар ташкил этиш, таълим муассасаси талабларини ўрганиб чиқиб, аҳволига баҳо бериш, васийлик кенгаши фаолиятига таллуқли меъёрий ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ҳамда маъмурият билан васийлик кенгашининг истиқболли режасини тузиш ишларини олиб боради.

**Тузилган режада васийлик кенгашини** ташкил этишга тайёргарлик кўриш ва унинг таркибини сайлаш, фаол ота-оналар билан ўқув семинарлари ўтказиш ва синф раҳбарлари ҳамкорлигида ота-оналар мажлисини ташкил этиш, тушган таклиф ва талабларни таҳлил этиш, шунингдек, ташаббускорлар гуруҳи мажлиси режасини ишлаб чиқиш ҳамда васийлик кенгаши мақсад ва вазифаларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Кенгаш таркиби 9—11 кишидан иборат бўлиб, ота-оналар, педагогик жамоа, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари ҳамда ҳомийлардан сайланади.

Мактаб маъмурияти билан келишилган ҳолда васийлик кенгаши таълим муассасасининг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи комиссия тузади. Ушбу комиссия тушган маблағ ҳисобидан ходимлар ойлик маошига қўшимча ҳақ тўлаш, ўқувчи (тарбияланувчилар) учун стипендия жорий этиш, педагог ходимлар, ўқувчилар ўртасида мусобақалар, танловлар, мактабдан ва синфдан ташқари оммавий тадбирлар ўтказиш бўйича Низомлар ишлаб чиқади ва сарф-харажатлар сметасини тузиб, васийлик кенгашига тақдим этади.

Васийлик кенгаши маъмурият билан ҳамкорликда ўқувчиларга қўшимча хизмат кўрсатиш, шунингдек, пуллик хизмат кўрсатиш юзасидан шартнома шаклини тасдиқлайди. Масалан, ўқув муассасасида таълим хизмати марказини очиш ҳам даромад манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ота-оналар ва ўқувчилар хоҳишига кўра ҳамда мактаб педагогларининг маслаҳатига асосланиб қайси фанлардан репетиторлик машғулотларини ўтказиш фойдали эканлиги танланади.

Бир гуруҳда 4-5 ўқувчи шуғулланади. Гуруҳларни тўлдириш мактаб педагогик жамоасининг тасдиғидан ўтгандан кейин тўхтатилади.

Марказнинг молиявий фаолияти ҳар бир ўқитилаётган фан бўйича ота-оналар қўмитаси, васийлик кенгаши тўлов миқдорини аниқлаб беради. Репетиторлик курслари учун ҳар ойнинг 10 санасига қадар бюджетдан ташқари маблағ ҳисоб рақамига туширилади.

Бу каби пуллик таълим хизматлари, чет тилини ўрганиш, компьютер саводхонлиги, санъат, спорт йўналишида ёки ҳунармандчилик бўйича ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ўқитувчи ва бошқа ходимлар ойлик маоши миқдори васийлик кенгаши томонидан белгиланади ва смета асосида тўланади. Васийлик кенгаши зиммасига киритилган масалалар таълим муассасаси Низомига киритилади.

**Олег ТАДЖИЕВ,**
**Тошкент вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти катта ўқитувчиси**

# МУСТАҚИЛ ФИКР — МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ОМИЛИ

*Seminar*

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг жорий йил бошидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиз" ҳамда "Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" номли маърузалари мазмун-моҳиятига кўра юртимиздаги барча соҳаларни ўз ичига қамраб олганлиги билан катта аҳамиятга эгадир. Ушбу маърузалар педагог кадрлар зиммасига ҳам бир қатор вазифаларни юклаб, уларнинг Ватан ва миллат олдидаги масъулиятларини янада оширади. Бу масъулият маърузаларда белгиланган хулосаларни тўғри англаб, вояга етиб келаётган фарзандлар онгига юртимизда амалга оширилаётган ишларнинг нечоғлик аҳамият касб этишини сингдира олишда, айниқса, яққолроқ намоён бўлади.

Миробод туманидаги 110-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган семинарда асосий эътибор ана шу жиҳатларга қаратилди. Унда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти вакиллари ҳамда пойтахтимиздаги барча умумтаълим мактаблар директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Тадбирни Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Наргиза Раҳмонқулова очиб, Президентимиз маърузаларининг педагог кадрлар учун долзарблиги ва бу борада ўқувчи-ёшларнинг ўз мустақил фикрини шакллантириш лозимлигини таъкидлади. Шундан сўнг Тошкент шаҳар педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ўқитувчилари Дурбек Воҳидов ҳамда Саодат Шермуҳаммедова сўзга чиқиб, ҳар иккала маърузанинг мазмуни, уларни ўрганиш усуллари ва эътибор қаратиш лозим бўлган бошқа жиҳатларга атрофлича тўхталдилар.

Йиғилиш кун тартибида белгиланган иккинчи масала эса "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги" ўқув йилининг учинчи чораги ҳамда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг биринчи чораги якунларига бағишланди.

Унда айтиб ўтилганидек, жорий ўқув йилида ўқувчиларда маънавий-ахлоқий қадриятларга нисбатан ҳурмат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш борасида ҳар жума куни намунали тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилган. Ўқув йилининг 3 чораги давомида таълим муассасаларида икки мингдан ортиқ шу каби тадбирлар ташкил қилинди. Жумладан, шаҳар миқёсида 28та семинар ҳамда туман, мактаблар даражасида 300дан зиёд кўргазмали ва ҳаракатдаги анжуманлар ўтказилди. Шунингдек, январь ойида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида барча умумтаълим мактабларида таниқли ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар, кечалар ташкил қилинди. Шаҳар бўйича 20дан ортиқ маданият масканлари билан узвий алоқаларнинг йўлга қўйилгани натижасида 200 минг нафардан зиёд ўқувчилар театрларга, 150 минг нафардан ортиғи эса музейларга жалб қилинди.

"Ҳар бир бола тўгарак аъзоси" шиори остида 94та мактабдан ташқари таълим муассасалари, спорт мажмуалари ва мактаблари, санъат даргоҳлари ҳамда умумтаълим мактабларидаги тўгаракларда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида кенг кўламли ишлар йўлга қўйилмоқда.

Тадбир сўнгида ўқув йилининг тўртинчи чорагида амалга ошириш лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, мактабларда "Баркамол авлод куни" тадбирларини ташкил қилиш, ҳар бир ўқувчини энг камида битта тўгаракка жалб этиш ва уларнинг бўш вақтларини мақсадли ўтказишга йўналтирилган назорат дафтарларини юритиш йўлга қўйилади.

**Санжар РУСТАМОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

## Mart — fizika, kimyo, biologiya fanlari oyligi

Ўлкамизга яшнаб кириб келган баҳорнинг бешинчи куни Шовот туманидаги айрим фанлар чуқур ўрганиладиган 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатида «Дарс ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш» мавзуида вилоят амалий семинари ўтказилди. Фан фидойиларининг бир қатор оммалашган тажрибалари семинар ўтказилишига дебоча бўлди.

Семинарда ўқув муассасасининг кимё фани ўқитувчиси Мунаввар Асқарова 9-синфларда очиқ дарс ташкил этди.

«Углеводлар боби юзасидан тажрибалар ўтказиш» мавзусидаги ноанъанавий дарсда ўқувчиларнинг билими ва фан бўйича олган сабоқлари намоён бўлди.

## ТАЯНЧ МАКТАБДАГИ ТАЖРИБАЛАР

— Ўқув масканимиз ўтган йили Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига биноан мукаммал таъмирлангач, фан хоналари янги лаборатория жиҳозлари билан таъминланди, — деди Мунаввар Асқарова. — Мазкур жиҳозлар ёрдамида ҳар бир дарсни қизиқарли тажрибалар билан ўтказмоқдамиз. Бу ўқувчилар билимининг ошишига хизмат қилмоқда.

Амалий машғулот типида ўтказилган очиқ дарс тўртта таркибий қисмдан иборат бўлгани ҳолда учта тажриба режалаштирилди. Глюкозани СН (ОН)2 билан сифат реакцияси, глюкоза учун кумуш кўзгу реакцияси ҳамда крахмалнинг йод билан сифат реакцияси деб номланган тажрибалар жараёнида ўқувчиларнинг фаоллари кузатувчиларни ҳам ҳаяжонлантирди.

Тажриба тамом бўлгач, ҳар бир гуруҳдаги яхши тажриба танлаб олинди. Ғолиб ўқувчилар рағбатлантирилди. Дарснинг хулоса қисмида учта сара иш ичидан энг оригинали танлаб олинди. Бунинг учун учта гуруҳдан вакил сайланиб, улар ўтказилган тажрибани илмий асосда исботлаб бериши керак эди. Ҳар гуруҳдан биттадан ўқувчи доскага чиқиб, реакция тенгламаларини тўлиқ ёзишди. Учинчи гуруҳ вакили Бобуржон Кенжаевнинг иши мутахассислар томонидан эътироф этилди ва билимдон ўқувчи синфнинг мутлақ ғолиби деб тан олинди.

Тажриба жараёнида фаол иштирок этган Бобуржон Кенжаев ҳамда Мартаба Отажонованинг ота-оналарига мактаб маъмурияти томонидан миннатдорлик хати юборилди.

Олий тоифали ўқитувчи Мунаввар Асқарованинг ўтказган тажрибаси аъло даражада баҳоланди. Мактабда кимё фанининг фидойи ўқитувчилари фаолият кўрсатишади. Уларнинг тажрибалари вилоят ва республика таълим тизимида оммалаштирилмоқда. Ибратли янгиликлар жорий этилаётган ўқув даргоҳи жорий йилнинг январидан бошлаб вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан кимё фанидан таянч мактаби дея эътироф этилган.

Кимё фани ойлиги муносабати билан ўтказилган очиқ дарсда натижалар таҳлил этилди.

**Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА**

## МУЗ ЁРДАМИДА ОЛОВ ЁҚИШ МУМКИН(МИ)?




Мактабларда фан ойликларини ўтказишдан мақсад бирон фанга иқтидори бор ўқувчиларни кашф қилиш ёки шундай ўқувчиларнинг қизиқишларини янада орттиришдан иборат. Шу боис фан ойликларида қизиқарли маълумотлардан унумли фойдаланилади.

Бундай қизиқарли маълумотлар физика фанида кўплаб топилади. Масалан, муз қайноқ сувда қачон эримайди? Шимолликлар қандай қилиб муз ёрдамида олов ёқишган? Буни лаборатория шароитида кўрсатса бўлади.

Штатив ўртасидан қистирилган пробирканинг тагига туз солинади ва совуқ сув қуйилади. Спирт лампасида пробирканинг уч қисми қиздириб қайнатилади. Пробирка тагидаги муз эримайди. Чунки илиқ сув оқими секин ҳаракатланади. Музлаткичга қавариқ идишда сув қўйиб музлатилади. Унинг ташқи қисми силлиқланиб, қуёш нурининг синиш бурчаги тез ёнувчан нарсага туширилади. Натижада нарса аланга олади.

Ернинг тортиш кучига оид мантиқий савол бериш мумкин. 1000 гр. тош Ердан неча километр баландликда 250 гр. оғирликни кўрсатади. Оддий ҳисоб-китоблар ҳам Ердан 6400 км. баландликда шундай бўлишини тасдиқлайди.

Албатта, физикага оид бундай қизиқарли саволлар кўп. Кино саройида кўриш учун энг қулай жой қайси қаторда? Нега одам тик тургандагина вазн тўғри аниқланади? Нима учун тез кетаётган машинадан отилган олма ёки тарвуз тошдан қаттиқ тегади?...

Бундай қизиқарли саволларга жавобни Я.Перельманнинг "Қизиқарли физика" китобидан топишингиз мумкин. Китобни физика фанлари номзоди Баҳодир Комилов ўзбек тилига таржима қилган. Мазкур китоб "Meriyus" хусусий матбаа-нашриёт корхонаси томонидан 3000 нусхада чоп этилган.

Кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган ушбу китоб физика фанидан тўгарак ишларини ўтказишда, дарсларда қизиқарли амалий машғулотлар кўрсатишда ўқитувчиларга яхши қўлланма бўлади.

**Малика УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейи ўқитувчиси**

## САХОВАТИНГ ЮЗ БЎЛИБ ҚАЙТАР

***Ўқувчилар онгида табиатга меҳр, уни севиб-ардоқлаш ва асраб-авайлаш сингари тушунчаларни шакллантириш ҳар бир педагогнинг шиорига айланмоғи лозим. Айниқса, Ватанимиз табиий ресурсларига нисбатан меҳр туйғусининг мурғак юракларга чуқур сингдирилиши ўқувчиларнинг она юрт олдидаги масъулиятини икки ҳисса оширади. Табиатга нисбатан ижобий қарашларни юксалтиришда табиий фанларнинг ҳам, албатта, ўз ўрни бор. Бунда ботаника, биология, кимё фанлари алоҳида аҳамиятга эга.***

*Биология ва кимё фанлари қизиқарлилиги, мураккаблиги билан бошқа ўқув предметларидан ажралиб туради. Бироқ тажрибали педагог ҳар қандай қийин мавзуни ҳам болалар онгига тез ва осон сингдира олади. Бунинг учун у дарсларда интерфаол усуллардан фойдаланиши, замонавий педагогик технологияларни қўллаши, кўргазмали қуроллар, лаборатория ва бошқа воситаларга суяниши мумкин. Дарсларни ноодатий тарзда ўтказилиши ўқувчиларни табиий фанларга янада яқинлаштиради, натижада улар табиатда рўй берувчи воқеа-ҳодисалар сабабларини аниқ таҳлил эта оладилар.*

*Иш тажрибамдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўқувчиларни дарсга қизиқтиришда бир хиллик, тартиб-интизомнинг ўта қаттиқлиги самара келтирмайди. Ўқувчи, энг аввало, дарсга ўз хоҳиши ва билим олишга бўлган кучли талаби билан қатнашсин. Уни мажбурлаб эмас, ақл билан иш тутиб, ихтиёрий равишда фанга "боғлаб" қўйиш педагог маҳоратининг қанчалик юксак эканидан далолат беради. Мен ўз дарсларимда мавзуларни соддалаштириб тушунтиришга, дарсларда ҳар бир ўқувчи иштирокини таъминлашга ҳаракат қиламан. Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб, улар ўртасида ўзаро соғлом рақобат муҳитини вужудга келтираман. Шунда болалар бир-бирларидан ўзишга, гуруҳлари учун кўпроқ баҳо йиғишга интилади, айрим бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларни дарс қилишга, кўпроқ ўқиб-изланишга ундайдилар.*

*Баъзи мавзулар бўйича дарсларни ноанъанавий, саҳналаштирилган томоша тарзида ўтказаман. Сценарий асосида роллар барча ўқувчиларга тенг тақсимланади. Масалан, табиатни асраш мавзусига бағишланган "Табиатга бир саховат қилсанг, юз бўлиб қайтади" номли саҳна кўринишида ўқувчилар табиат, гуллар, қушлар, дарахтлар, ҳаво, сув ва бошқа образлар қиёфасида иштирок этади. Табиат ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик оқибатлари, уларсиз ҳаётнинг мавжуд бўлмаслиги ҳақида ижро этган роллари орқали болалар билим ва малакага эга бўладилар. Саҳна кўринишида глобал экологик муаммолар, иқлим ўзгариши, ҳаво ва сувнинг ифлосланиб кетаётгани сингари масалаларга алоҳида аҳамият қаратилади. Ушбу дарс мавзулари боланинг табиатга нисбатан муносабатини ижобий томонга ўзгартириши билан бирга уни экологик муаммоларни бартараф этиш учун нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида мушоҳада юритишга мажбур қилади.*

*Масалан, бир ўқувчи ҳозирги кунда ҳавога зарарли моддаларнинг кўпайиб кетиши олдини олиш тўғрисида ўз мулоҳазалари билан шундай ўртоқлашади: «Ҳисоб-китобларга кўра, битта автомобиль бир йил давомида 2 тонна бензин ва 30 тонна кислород сарфлар экан. Шундан ҳавога 60 кг. СО, $CH_4$ ва бошқа карбонводородлар, 30 кг. азот оксидлар, 5 кг. аэрозоллар, 3 кг.га яқин олтингугурт оксидлари, 5 кг. бензопринлар, 700 кг. карбонат ангидрид чиқарар экан. Бу ҳажмдаги газларни тозалаш учун табиий боғлар, шаҳар атрофини кўкаламзорлаштириш муҳим аҳамиятга эга», дейди. Бу билан ўқувчиларнинг кимё фанидан билим ва кўникмалари яна бир бор синовдан ўтказилади. Иккинчи ўқувчи эса автомобилдан чиққан заҳарли моддаларнинг табиатга ва инсон саломатлигига қанчалик зарарли эканини таъкидлайди.*

*Дарс сўнгида ўқувчилар табиатни асрашга қаратилган қонун ҳужжатлари, махсус саналар, алоҳида қўриқланадиган ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида қисқача маълумотларга эга бўладилар.*

**Дилафрўз МАҲМУДОВА,**
**Тошкент шаҳридаги 254-мактабнинг кимё-биология фани ўқитувчиси**

**Халқ таълим вазирлиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Оила ҳаёт" маркази, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Республика маънавият-тарғибот маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази**

Ёш авлоднинг маънавий оламини бойитиш, онги ва қалбини зарарли маънавий, ғоявий ва ахборот таҳдидларидан, паст савиядаги "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ишончли ҳимоя қилиш, мафкуравий иммунитетни ва фаол фуқаролик позициясини кучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг янги ва самарали усулларини амалиётга жорий этиш ҳамда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида **"Ёш авлодни ғоявий таҳдид ва паст савияли "оммавий маданият"нинг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилишнинг илмий-методик масалалари"** мавзусида илмий-амалий конференция ўтказмоқда.

Илмий-амалий конференцияга барча ихтисосликлар бўйича тайёрланган илмий мақолалар 2010 йил 1 майига қадар қуйидаги йўналишларда қабул қилинади:

1. Жамият маънавий юксалиши ва шахс маънавий камолотини таъминлаш, маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, бойитиш ва ёш авлодни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари.
2. Ғоявий таҳдидларга қарши тура олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаш, жамият ва шахс мафкуравий иммунитетини кучайтиришнинг ташкилий-методик жиҳатлари.
3. Узлуксиз таълим тизимида маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялашнинг педагогик, психологик, дидактик ва методик муаммолари.
4. Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи, зарарли иллатлар ва юқумли касалликлар профилактикаси тадбирлари самарадорлиги.
5. "Баркамол авлод — соғлом келажак" ғоясини ҳаётга кенг татбиқ этиш, болаларни оммавий спорт ва жисмоний тарбияга жалб этиш ишларини такомиллаштириш.
6. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг баркамол авлод маънавий-ахлоқий тарбиясидаги ролини кучайтириш.
7. Баркамол авлод тарбиясида оиланинг роли ва мавқеини кучайтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг илмий ва амалий жиҳатлари.

Конференцияга олимлар, илмий ходимлар, мутахассислар, педагоглар, докторантлар, аспирантлар, тадқиқотчилар, магистратура ва бакалавриатнинг иқтидорли талабалари, малака ошириш курслари тингловчиларининг илмий мақолалари қабул қилинади.

Экспертлар гуруҳи томонидан сараланган мақолалар тўплам ҳолида чоп этилади. Мақолалар муаллифлари конференция ишига таклиф этиладилар. Конференция ишига ва тўпламга қабул қилинмаган мақолаларга тақриз берилмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

**Илмий мақолага қўйиладиган талаблар:**

- Илмий мақолада кўрсатилган йўналишлар бўйича тадқиқотлар, таҳлиллар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича илмий асосланган илмий-амалий аниқ тавсиялар ва таклифлар ўз ифодасини топиши лозим.
- Илмий мақола ҳажми 3-4 бетдан иборат, босма ҳолида (2 нусха), унинг айнан электрон нусхаси (дискетда ёки флешкада), муаллифнинг исми, шарифи, иш жойи ёки таълим муассасаси номи кўрсатилган ҳолда бўлиши керак.
- Мақолалар Word матн редакторида 14 pt ўлчамли Times New Roman шрифти билан (ўзбек, рус ёки инглиз тилларининг бирида) 1,5 интервалда, қоғоз ўлчови А4 210 х 197 мм, юқоридан 2,5 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см. жой қолдирилган ва саҳифаланган ҳолатда қабул қилинади.
- Илмий мақола номи катта ва қалин ҳарфлар билан ёзилиши, кейинги қаторда муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими тўлиқ ёзилади.
- Илмий мақола ўзбек, рус, инглиз тилларининг бирида, таҳрир қилинган ҳолда қабул қилинади.

**Мақолалар қуйидаги манзилларда қабул қилинади:**

Халқ таълими вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси, Мустақиллик майдони 5-уй, телефонлар: (8371) 239-11-41, 239-45-12, 239-16-65.

**Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. Амир Темур шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефонлар: (8371) 239-05-32, 239-05-37.**

2010-yil — Barkamol avlod yili

# БИЗНИНГ ЙЎЛ — ИЛМ-МАЪРИФАТ ЙЎЛИ

**Шукрки, бизга мамлакатимизни озод, Ўзбекистонимизни мустақил давлатлар қаторида кўриш насиб этди. Шукрки, юртимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан яратувчанлик, бунёдкорликларни кўриб қалбларимиз фахр-ифтихор туйғуларига йўғрилди. Халқимизнинг азалий феълатворига кўра, энг яхши нарсаларни болаларимизга илинамиз. Шу боис онг-шууримиз, қўлларимиз ишда, тилимиз эса дуода: биз эзгу ният билан интилаётган мамлакатимизнинг буюк келажагини болаларимиз кўришсин!**

Бугунги барча саъй-ҳаракатларимиз Ўзбекистонимизни буюк мамлакатлар қаторига кўтаришга қаратилган. Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади. Истиқлолнинг илк кунлариданоқ хайрли ишларимизнинг мантиқий давоми, бундан кейинги турмуш тарзимизнинг бош тамойили бўлган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти — халқимизнинг олам эътироф этган салоҳиятини қайтадан намойиш эта оладиган, мамлакат тараққиётини дунё миқёсида баланд кўтарадиган баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир. Халқимизнинг順 шоншукуҳли тарихидан маълумки, бундай юксак мартабага илм-маърифат йўли орқали эришилади.

Қутлуғ заминимиз қадимдан дунёнинг илм-маърифат бешикларидан бири бўлиб келган. Дунё тарихидаги қадимий кўлёзмалардан бири ҳисобланган, қарийб бундан ўттиз аср муқаддам яратилган «Авесто» китобида ҳаётнинг тараққиёт асослари, хусусан, тарбиянинг асосий омиллари мукаммал белгилаб берилган: **«Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқишни ва сўнгра эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин».** Маърифат нури билан йўғрилган бу сўзлар жисмоний куч, қилич-найзалар ўткирлиги шарафланган даврда айтилгани учун янада қимматлидир. Чунки закий аждодларимиз куч билимда эканлигини қадим замонлардаёқ англаб етишган.

Ҳали дунёнинг кўплаб халқлари ўнгача санашни билмаган вақтда буюк алломамиз Хоразмий алгоритм илмига тамал тошини қўйди. Барча олимларни абадий ускуна яратиш орзуси ўйлантириб келади. Лекин яратилган энг мукаммал ускуна-машиналар ҳам бир аср нари-берисида хизмат қилади, холос. Фарғоний бобомиз қурган Нилометр эса минг йилдан зиёд бехато ишлаган. Агар Нил дарёсига ўтган асрда Асвон тўғони қурилмаганда бу Нилометр ўз вазифасини ҳозир ҳам бажараётган бўларди. Бундан минг йиллар илгари улуғ алломаларимиз Беруний ва ибн Сино моддалар сақланиши, бир турдан иккинчи турга ўтиши тўғрисида баҳслашганлар. Ўша баҳсдаги ғоялар орадан етти юз йил ўтиб фанда Ломоносовнинг моддалар сақланиш қонуни сифати эътироф этилгани маълум. Мирзо Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» китобида осмон жисмлари тўғрисида шу қадар аниқ маълумотлар берилганки, баъзан кичкина фарқларни кўрганда замонавий компьютерлар янглишмаяптимикин, деган хаёлга борасиз беихтиёр.

Улуғ аждодларимизни эслар эканмиз, мамлакатнинг энг катта бойлигини зукко одамлари ва уларнинг саломатлиги ташкил этишига яна бир карра иқрор бўламиз. Истиқлол йилларида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, мамлакатимизнинг ана шу бебаҳо хазинасини авайлаб-асрашга йўналтирилди. Ўтган даврда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бунда биринчи навбатда малакали шифокорлар ва тиббиёт ходимлари тайёрлашнинг янги тизими жорий этилди. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасалари шаҳарларимиздагина эмас, олис қишлоқ жойларида ҳам барпо қилинди. Бу ишларнинг кўламини кўз олдимизга келтиришимиз учун Президентимиз маърузаларида келтирилган бир рақам: 3164 та қишлоқ врачлик пункти бунёд этилгани ёки тубдан реконструкция қилинганини эслашимиз кифоя. Шунингдек, жорий йилда ҳам соғлиқни сақлаш соҳасини янада юксалтириш учун давлат бюджетидан 1 триллион 700 миллион сўм ажратилиши белгиланган. Бу ўтган йилда шу соҳага йўналтирилган харажатлардан ўттиз фоиз кўп деганидир.

Абу Райҳон Беруний ўз умридан мамнун ҳолда шундай деб ёзган: **«Менинг фикру ёдим, бутун қалбим илмфанни тарғиб қилишга қаратилган. Мен билимимни орттириш лаззатидан баҳраманд бўлдим, буни мен улкан бахт деб ҳисоблайман».** Дарҳақиқат, тарихга назар ташласангиз, илм-маърифатга бу қадар интилган халқни бошқа жойда топиш бироз қийин кечади. Билим олишга интилиш, илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлиш бизга буюк аждодларимиз қолдирган энг бебаҳо меросдир.

Қон-қонимизга сингиб кетган таълим-тарбияга эътибор истиқлол йилларида янада юксак поғоналарга кўтарилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий давоми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида 8501та мактаб қурилгани, тубдан реконструкция қилингани фикримизнинг ёрқин исботидир. Эндиликда барча мактабларимизда ўқув лабораториялари, фан ва компьютер хоналари бор. Улар ўқув жиҳозлари, дарслик ва кўргазмали қўлланмалар билан таъминланди. 1997—2009 йилларда бугунги кун талабларига жавоб берадиган кўплаб касб-ҳунар коллежи, академик лицейлар бунёд этилди. Етмишдан зиёд олий ўқув юртларимиз фаолият кўрсатяпти. Улар орасида хориждаги нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари борлиги қувонарли ҳолдир. Кейинги уч йил ичида ўқувчи-талабаларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида 41та медални қўлга киритгани, мамлакатимизда таълим ислоҳотлари ҳозирданоқ ўз самарасини бера бошлаганидан далолатдир.



Киши саломатлигини мустаҳкамлашда, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Айниқса, жисмоний машқлар болаликдан бошланса ва улар ёш организм ривожланишига самарали таъсир кўрсатадиган бадантарбия, сузиш, гимнастика каби машғулотлар билан бойиб борса айни муддаодир. Юртимизда болалар, ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароит яратиб беріляпти. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2003—2009 йилларда 1081 та болалар спорт иншооти қурилди. Кейинги йилларда 21 та сузиш ҳавзаси реконструкция қилингани эътиборга молик. Бу иншоотлар замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди. Муҳими, бу жиҳозларнинг 113 тури мамлакатимизда ишлаб чиқарилган. Умуман олганда, мамлакатимизда ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишнинг дунёда ўхшаши йўқ уч босқичли спорт мусобақалари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мунтазам равишда ўтказиб келиняпти.

Фан, санъат ва техника соҳаларидаги ютуқлар тараққиётимизни жадаллаштириши билан бирга жаҳон ҳамжамияти ўртасида мамлакатимизнинг нуфузини оширади. Ёшларимиз бу борадаги иқтидорларини тўла намойиш этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Мамлакатимизда мунтазам равишда танловлар, кўргазмалар ўтказилиб, истеъдодли ёшлар рағбатлантириляпти. Уларнинг ғолиб-совриндорларига халқаро фан олимпиадалари, кўрик ва фестивалларда қатнашиши учун йўлланмалар беріляпти. Билимдон илми толибларимиз Президент стипендиялари, ижодкор ёшларимиз «Ниҳол», Зулфия номидаги Давлат мукофотлари билан тақдирланяпти. Кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик билимли, иқтидорли ва ижодкор ёшларимиз сафларини тобора кенгайтираяпти.

Умрнинг болалик даври қизиқувчанлик, ўсмирлиги ўзгарувчанлик, ёшлиги эса гоҳо бебошлик билан кечади. Шу боис уларни тўғри йўлга солиш, улуғ мақсадлар сари йўналтириш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бугунги кунда «оммавий маданият» хуружи, зарарли одат ва оқимлар таъсирларининг томири қирқилмаган экан, биз ёш авлод тарбиясида янада огоҳ, янада хушёррoқ бўлишимиз керак. Ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим, бола тарбиясида арзимас нарсанинг ўзи бўлмайди.

Ҳазрат Алишер Навоий афсонавий Фарҳоднинг қуриб ниҳоясига етказмаган каналига бағишлаб шундай ажойиб достон ёзганки, уни беш асрдан буён бутун дунё аҳли севиб ўқияпти. «Аср қурилиши» номини олган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл қурилиши, ёки Қамчиқ довонидаги бунёдкорлик ёки истиқлол йилларидаги бошқа улкан яратувчанликлар тўғрисида қандай бадиий мукаммал асарлар ёзилди? Навоий бобомизнинг орзулари ҳақида умрбоқий асар яратгани улкан бунёдкорликларга гувоҳ бўлиб турган замондош қаламкашларимизга ибрат бўлиши керак. Токи юртимиз эришаётган ҳар бир муваффақият онг-шууримиздан жой олсин, қалбларимизда фахр-ифтихор туйғуларини жўштирсин, олам аҳлини ҳайратга солсин, уларда Ўзбекистонимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ҳисларини кучайтирсин. Ахир, юрагида юртимизга фахр-ифтихор туйғуси жўшган, шу азиз Ватанимизга меҳри баланд кишиларгина янада юксакроқ манзилларни кўзлайди, оламшумул ғалабаларга эришади.

Бундан уч йил илгари дунёнинг янги етти мўъжизасини аниқлаш бўйича сўров ўтказилди. ЮНЕСКО ташкилоти маълумотига кўра, дунёда саккиз юздан зиёд мўъжиза деб аташга муносиб иншоот бор экан. Бу рўйхатда юртимиздаги бир неча гўзал иншоотлар киритилганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Қадим маданиятга эга Ҳиндистонга афсоналар мамлакати деб таъриф берилади. Энди тасаввур қилинг, юз миллиондан ортиқ киши иштирок этган сўровда Ҳиндистондаги Тожмаҳал иншооти дунёнинг етти мўъжизаларидан бири деб тан олинди. Бобурий шоҳ қурдирган бу иншоотни асосан ўрта осиёлик меъморлар, усталар, ҳунармандлар барпо қилгани қалбларимизга фахр-ифтихор бағишлайди, буюк келажагимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Мен гоҳ-гоҳ Нью-Йоркдаги БМТ қароргоҳи майдонини кўриш учун хаёлан қанот боғлаб учаман. Ана шу майдонда Ер юзидаги барча мамлакатлар давлат байроқлари қаторида менинг Ўзбекистонимнинг давлат байроғи ҳам зумраддек товланиб ҳилпираб турибди. Мана шундай ажиб манзарани кўрмаганлар ҳаққи учун ҳам байроғимизга тўйиб-тўйиб қарашни истайман.

Шукрки, кенг дунёда ҳар бир ўзбекнинг фахри бўлган Ўзбекистон бор. У тенглар ичра тенг, мустақиллар ичра мустақил ва албатта қудратлилар ичра қудратли, буюклар ичра буюк бўлади. Ишончимиз комил, дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган алломаларни тарбиялаган салоҳиятли халқимиз янги хоразмийларни, фарғонийларни, берунийларни, улуғбекларни вояга етказади ва улар Ўзбекистонимизни энг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшади, жаҳон ҳамжамиятида Ватанимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром туйғуларини юксалтиради.

**Асрор МЎМИН**

# BUYUK SOHIBQIRON

## *Amir Temur tavalludiga bag'ishlangan tadbir senariysi*

**Maqsad:** Amir Temur hayoti haqidagi tushunchalarni kengaytirish. Amir Temurning davlat tuzumi va uni boshqarishdagi mohiyati, kelajak avlodlarga qoldirgan merosi, tuzuklari haqida tushuncha berish. Biz Temur avlodi va uning ezgu ishlari davomchisi ekanligimizni anglatish. Milliy iftixor tuyg'usini shakllantirish.

**Jihozlar:** Amir Temur byusti, rasmi, tuzuklaridan namunalar, Temur haqidagi kitoblar, gazeta va jurnallar.

**Tadbirning borishi:** Tadbir o'tkaziladigan sahnaga «Amir Temur — buyuk sohibqiron», «Biz Temur avlodimiz», «9-aprel — Amir Temur tavallud topgan kun» kabi so'zlar yozib qo'yilgan.

Sahnaga boshlovchilar chiqib kelishadi.

**1-boshlovchi:**

— Yillarning qa'ridan omon chiqolgan,
Istibdod taxtini yengib, yiqolgan,
Istiqlol mash'alin gurlab yoqolgan,
Boshi osmon bo'lsin bugun o'zbekning,
Dong'i doston bo'lsin bugun o'zbekning!

**2-boshlovchi:**

— Beruniy yaratgan ziyosi bilan,
Jon tabibi — ibn Sinosi bilan
Qaddi baland bo'lsin bugun o'zbekning,
Jismi payvand bo'lsin bugun o'zbekning!

— Amir Temur otliq bobosi bilan,
Marvarid yaratgan navosi bilan,
Intizor Boburiy Mirzosi bilan
Nasli ulug' bo'lsin bugun o'zbekning,
Rizqi to'luq bo'lsin bugun o'zbekning!

**1-boshlovchi:** — Assalomu alaykum, hurmatli ustozlar, aziz ota-onalar va mehribon tarbiyachilar!

**2-boshlovchi:** — Assalomu alaykum, shirin bolajonlar-u aziz o'quvchilar!

**1-boshlovchi:** — Bugun biz buyuk bobomiz Amir Temur tavalludiga baqishlangan tadbirni o'tkazish uchun yig'ilib turibmiz.

**2-boshlovchi:** — Amir Temur bobomiz buyuk sohibqiron, sarkarda va qudratli mamlakat tuzib, uni adolatli idora etgan mohir davlat arbobi bo'lgan.

**1-boshlovchi:** — Hurmatli ustozlar, bugun o'quvchilarimiz buyuk bobomizni madh etuvchi she'rlar hamda u zotning hayoti va faoliyati to'g'risida turli ma'lumotlar tayyorlab kelishgan. Hozir navbatni ularga beramiz.

**2-boshlovchi:** — Marhamat, aziz o'quvchilar!

**1-o'quvchi:**

— Amir Temur bobomiz
Mard-u jasur bobomiz.
Jang-u jadallar kezgan
Buyuk davlat, yurt tuzgan.
Abadiy o'chmas nomi,
Tilimizda kalomi.
Unutmaymiz hech qachon
Sizni ulug' bobojon!

**2-o'quvchi:**

— Buyuk saltanatni tikladi Temur,
Istagi: avlodim otsa zo'r tomir,
Mulki Turon dunyo uzugi bo'lib,
Xalqim osoyishta ko'rsaydi umr.

## *9-aprel — Amir Temur tavallud topgan kun*

**3-o'quvchi:**

— Sohibqiron aytar: ey farzandlarim,
Ko'zimning qarog'i jon dilbandlarim.
Millatning dardiga darmon bo'lingiz,
Bo'shashtirmang mening bo'g'in-bandlarim.

**4-o'quvchi:**

— Adolat, ozodlik dastida bo'ling,
Yomonlik, razolat qasdida bo'ling.
Nifoq tuxmlarin ekmangiz aslo,
Yaxshilik, ezgulik rostida bo'ling!

Milliy raqs ijro etiladi. Raqs tugagach, o'quvchilar Amir Temurning hayoti va faoliyati haqida so'zlab berishadi.

**1-o'quvchi:** — Buyuk bobomiz 1336-yil 9-aprelda Keshdan uncha uzoq bo'lmagan Xo'ja Ilg'or qishlog'ida barlos urug'iga mansub bo'lgan bek Tarag'ay Bahodir oilasida dunyoga keldi.

**2-o'quvchi:** — Temur yoshligidan bilimga tashna bo'lishi bilan birga harb ilmiga qiziqqan, otlarni juda sevgan va mohir chavandoz bo'lgan.

**3-o'quvchi:** — Amir Temur juda olijanob qalb egasi bo'lgan. U Movarounnahrdek buyuk davlat tuzgan. Eron, Turkiya, Hindiston kabi yirik davlatlarda ilm-ma'rifat, madaniyatni targ'ib etgan. Qizil O'rdaning istilochilik hukmronligiga barham bergan.

**4-o'quvchi:** — Amir Temur iqtisodiy mustahkam, xalq manfaatlarini himoya qiluvchi davlat tuzdi.

**5-o'quvchi:** — Amir Temur buyuk siyosatchi, sarkarda, o'z davrining buyuk davlat arbobi bo'lgan. Uning shiori — «Kuch — adolatdadir», degan purma'no hikmat bo'lgan.

**6-o'quvchi:** — Amir Temur 27ta katta-kichik tarqoq shaharlarni birlashtirib, qudratli davlat tuzdi.

**7-o'quvchi:** — Amir Temur davlatining poytaxti — Samarqand shahri bo'lib, juda obod va chiroyli shaharga aylantirildi.

**8-o'quvchi:** — Bobomiz Samarqand, Buxoro va Turkistonda tarixiy obidalar, madrasalar, maqbaralar qurdirdi. Obodonlashtirish ishlarini olib bordi.

Amir Temur hayotini yorituvchi sahna ko'rinishi namoyish etiladi. So'ngra o'quvchilar shoir Temur Ubaydulloning «Pirlar qissasi» she'ridan parchalar o'qib berishadi:

**1-o'quvchi:**

— Temur otli pahlavon,
Topar chog'ida kamol —
Unga bo'ldi esh, hamdam
Shayx Shamsiddin Kulol.

**2-o'quvchi:**

— Sohib karomatlarning
Biri edi Shayx Kulol.
Tarag'ay Bahodirning
Piri edi Shayx Kulol.

**3-o'quvchi:**

— Amir Temur bahramand
Pirning o'gitlaridan.
Ixlos bilan ushladi
Shayx Kulolning baridan.

**4-o'quvchi:**

— Bir tomondan qo'lladi
Suyub Said Baraka.
O'tmas edi uningsiz
Mashvarat-u ma'raka.

**5-o'quvchi:**

— Shundan buyuk saltanat
Dovrug' soldi jahonga.
Barcha ta'zim ayladi
Temur Sohibqironga.

**6-o'quvchi;**

— Buyuk zotlar nafasi
Har doimo qo'llasin!
Ona yurtimni mudom
G'oliblikka yo'llasin!

**1-boshlovchi:** Sohibqiron buyuk davlat tuzishda, uning gullab-yashnashida quyidagi qoidalarga qat'iy amal qilganligini aytib o'tgan:

1. Men davlatni shoshmay, insonparvarlik bilan boshqardim.

2. Tartib va qoidalarga rioya qilish — mening davlatimni mustahkamladi.

3. Men o'z askarlarimga g'amxo'rlik va olijanoblik ko'rsatdim.

4. Men davlatni haqgo'ylik va aql bilan boshqardim.

5. Adiblar, allomalar, olimlar, tarixchilarga muruvvatli bo'ldim.

6. O'z ishimda qat'iy va dadil bo'ldim.

7. O'z xalqimni doim tushundim.

8. Yaxshiga yaxshi, yomonga qattiqqo'l bo'ldim.

9. Men doim ahillikni istadim.

10. O'z askarlarimni hurmat qildim va qonun-qoidalarga qattiq rioya qildim.

**1-boshlovchi:** — Aziz ustozlar va bilimdon o'quvchilar! Bugun biz buyuk bobomiz hayoti va faoliyatiga doir ko'p narsalarni bilib oldik.

**2-boshlovchi:** — Biz — O'zbekiston farzandi, buyuk Amir Temur avlodidan bo'lganligimiz bilan faxrlanamiz. Bobomizdek olijanob va haqiqatparvar, yurtsevar bo'laylik!

**1-boshlovchi:**

— Jahongir so'zidan yaxshilik bunyod,
Bizga mayoq bo'lsin, baxsh etib sabot.
Avlodlar bizlardan ololsin o'rnak,
Shunda rizo bo'lur Temurdayin zot.

**2-boshlovchi:** — Shuning bilan aziz ustozlar, ota-onalar va tarbiyachilar, bugungi tadbirimizni yakunlaymiz. Barchangizga sog'lik-salomatlik, ishlaringizga rivoj tilaymiz. Yurtimiz kelajagi bo'lmish yosh va barkamol avlodni tarbiyalashdek olijanob ishda hech qachon charchamang!

**Sarvinoz TURDIYEVA,**
**Angren shahridagi 34-maktab-internat kutubxona mudirasi**

# МУЗЕЙДАГИ ДАРС

## *ёш авлод маънавий оламини кенгайтирмоқда*

*Jarayon*

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида фарзандларимизга билим берилибгина қолмай, уларга тарбиянинг барча қирралари сингдириб борилади. Ёшларда воқеликка онгли муносабатни шакллантирувчи турли воситалардан фойдаланиш керак. “Маънавият асослари”, тарих каби ижтимоий фанларни ўқитишда анъанавий воситаларини кенг қўллаб келмоқдамиз.

Шундай анъанавий воситалардан бири музейлардир. Ўқувчиларни кўргазмали ашёлар орқали тарбиялашга йўналтирилган музейлар киши қалбида она-Ватанга, миллий қадриятларимизга, қадимий тарихимизга, гўзалликка, санъат асарларига муҳаббат ҳиссини уйғотиш, аждодларимиз меросига бўлган ҳурматни янада оширишда мислсиз куч-қудратга эгадир.

Коллежимизда ҳам музей ташкил қилинган бўлиб, унга фидойи ўқитувчилардан бири Эркин Кенжаев раҳбарлик қилади. Кўргазма залида фахрий ўқитувчилар ҳақидаги фотоальбомлар жамланмаси, ўқитувчилар ва ўқувчилар томонидан ясалган турли мавзулардаги альбомлар, Қарши шаҳри тарихи ҳақидаги китоблар ва турли хил суратлар, ҳужжатлар ўрин эгаллаган. Ўқувчилар ҳам музей экспонатларини бойитишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Биз ўқувчилар билан биргаликда кўчма амалий дарслар ташкил этамиз. Масалан, Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида ташкил этилган амалий дарслар ўқувчилар фикр доирасини кенгайтиришда катта аҳамият касб этаётир.

Ўлкани ўрганиш музейи 1975 йилда ташкил этилган. Музейда ҳозирги кунга келиб, тўртта (тарих, халқ амалий санъати, табиат, хотира ва қадрият) бўлим фаолият олиб боради. Музей фондида 20 мингдан ортиқ рассомчилик, графика, ҳайкалтарошлик, нумизматика, археология, амалий ва тасвирий санъат, турли тарихий ҳужжатлар, маиший ва этнографияга оид экспонатлар мавжуд бўлиб, булар миллоддан аввалги II-III асрлардан токи бугунги янги давргача бўлган кўргазмалар тўпламидан иборатдир.

Ўқувчиларда Қаршининг қадимги манзили бўлган Ерқўрғон ёдгорлигидан топилган сопол буюмлар коллекцияси жуда катта қизиқиш уйғотаяпти. Улар бу экспонатларни кўриб, аждодларимизнинг меҳнаткаш, ҳунарманд бўлганликларини, ўша даврда ўзига хос маданият мавжуд бўлганлигини яна бир бор ҳис этмоқдалар.

Бундай маданиятга эришиш учун, инсон энг аввало, юксак тафаккурга эга бўлиши, меҳнат қилиши, касб-ҳунарни чуқур эгаллаши лозимлиги, шундагина инсон мазмунли яшаши мумкин эканлигини ўқувчиларимиз англаб етишмоқда.

Музейларда ташкил этилаётган амалий дарслар ёш авлодни тарбиялашда, уларнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик қобилиятларини ўстиришда ўзига хос омил бўлиб хизмат қилмоқда. Буни ўз тажрибамиз орқали ҳис қилаяпмиз.

**Г.ТУРДИЕВА,**
**Қарши педагогика коллежи ўқитувчиси**

# БИРДАМЛИК МАҚСАДИ

## *у нимадан қувватланади?*

*Fikr*

Ёшларнинг эртанги ҳаётга қандай куч билан кириб бориши, бугун улар олаётган маънавий-руҳий тарбияга боғлиқдир. Шу маънода, Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги ғойи ёшларни эзгу ва олижаноб мақсадлар сари сафарбар этишда улкан аҳамият касб этади. У жамият аъзоларида мустаҳкам эътиқодни шакллантириб, уларни янада жипслаштиради, мамлакат фуқароларининг ўзаро тотув, дўст ва иноқ бўлиб яшашга, ўз манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштиришга чорлайди.

Чунончи, жамиятимизда эски иллатларнинг тобора барҳам топиб, кишиларимизда сидқидилдан меҳнат қилиш, ишбилармонлик, тадбиркорлик, янгича фикрлаш ва замонавий технологияга интилишнинг ривожланаётганлиги ҳам юрт фаровонлиги ғойи билан боғлиқ бўлган истиқлолнинг дастлабки ижобий таъсирларидир.

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз томонидан мустақилликнинг илк йиллариданоқ жамият ривожининг асосий шарти сифатида умуминсоний қадриятлар устуворлиги тамойили белгилаб берилган эди. Бунда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги (плюрализм), демократик эркинликлар ва инсон ҳуқуқларини сақлашга доир халқаро андозаларга ҳамоҳанглик ҳам катта аҳамиятга эга. Танланган тараққиёт йўлимиз мана шу заминда истиқомат қиладиган ҳар бир инсонни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги бунёдкорлик ишларига сафарбар этиши билан ҳам ҳаётий ва айни пайтда долзарбдир.

Бу ўринда эътибор қаратиш керак бўлган энг муҳим жиҳатлардан бири ёшларга мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни тарихий далиллар ва ҳаётий фактлар орқали содда ва лўнда қилиб тушунтириш, бир сўз билан айтганда, миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини халқимиз, айниқса, ёшлар онгига сингдириш бугунги кун кишиларининг бурчидир.

Ҳар қандай ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий тарбия муайян ғояни ҳимоя қилиш, тарғиб этиш ва ривожлантиришга қаратилган бўлади. Бугунги глобаллашув даврида бу жиҳатга эътибор қаратиш жуда муҳимдир. Хусусан, ёвузлик, беҳаёлик, шафқатсизликни тарғиб этиш орқали ёшларни ахлоқий жиҳатдан бузишга қаратилган бадиий фильмларда жамият барқарорлигига рахна солишдан иборат мафкуравий мақсад яширингандир. Онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўрона тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тўлиқ тушуниб етмайди.

Дунё юқоридаги каби мафкуравий таҳдидлар қаршисида турган бугунги глобаллашув даврида нима учун мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ миллий ғоя ва мафкура масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги, бу оқилона саъй-ҳаракат нечоғли муҳим тадбир эканлиги янада яққолроқ намоён бўлади. Дарҳақиқат, миллий ғоя халқнинг мақсад ва интилишларини ифода этади, халқ руҳини кўтаради, уни эзгулик ва бунёдкорлик ишларига даъват этади, жамиятда учрайдиган муаммолар ечимини топишга ёрдам беради. Масалан, XX асрда дунё ҳамжамияти эътироф этган ижтимоий тараққиётнинг япон моделини олайлик. Япон миллий ғояси «миллат — давлатчилик тизими», «фуқаролик бурчи», «япон руҳи», «тадбиркорлик», «умуммиллийлик», «фидойилик», «жамоага садоқат», «модернизация» каби ғоя ва тушунчаларга асосланиб, мамлакатнинг тез тараққий этиши учун пойдевор бўлди.

Иккинчидан, миллий ғоя ёш авлодни тарбиялашнинг беқиёс омилидир. Чунки у «халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир». Шунингдек, ёшлар ҳаётининг маъноси ва мазмунини белгилайди, миллат, Ватан равнақи, буюк келажакни барпо этиш учун яшаш ва курашиш чинакам инсоний саодат эканлигини юракларга жойлайди. Мустақил фикрга эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон порлоқ келажакка дадил интилиш билан яшайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президетининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг бугунги кун учун ғоят долзарб бўлган қуйидаги фикрларини келтириб ўтсак: «Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир». Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, ахборот ва электроника асри деб аталаётган XXI асрда инсон турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсиридан холи бўлиши деярли имконсиздир. XXI аср вабоси бўлган турли кўзга кўринмас таҳдидларда ёшларнинг кенг дунёқараши, чуқур билим ва заковати, соғлом эътиқоди, маънавий етуклиги ҳамда миллий ва умуминсоний ғояларга содиқлигигина мустаҳкам ҳимоячи бўла олади.

**С.АШРАПОВ,**
**Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси катта терговчиси, адлия катта лейтенанти**

# БИЛИМЛИ БОЛА

## *у яхши муҳитда вояга етади*

Фарзандининг камолот чўққилари сари дадил одимлаши учун унга қанот бўлиш ҳар бир ота-она учун асосий вазифа ҳисобланади. Бола табиатан кузатувчан ва тақлидчи бўлади. У аввало, оила аъзоларига, жумладан, ота-онасига тақлид қилади. Шу боис, оиладаги муҳит эндигина униб-ўсиб келаётган ёш боланинг онгига тез таъсир этади. Оилада китобга қизиқадиган инсонлар бўлса, у ҳам бўш вақтида китоб мутолааси билан машғул бўлади, аксинча, сериалларга муккасидан кетган оила бўлса, у ҳам экран қаршисидан бери келмайди. Кўп йиллик педагогик тажрибамдан келиб чиқиб айтмоқчиманки, уйга берилган вазифани бажармай келган ўқувчининг, юқорида айтганимиздек, оиласидаги муҳит иккинчи тоифага мансуб. Бундай оилаларда ота-она фарзанди тақдирига бефарқ қарайди ва натижада улар кўчадан “паноҳ” топиши мумкин.

Таълим-тарбия узлуксиз жараён бўлиб доимий рағбатни талаб этади. Уйда ота-она, таълим масканида ўқитувчи болани илм олишга, одоб-ахлоқли бўлишга рағбатлантириб турса, ижобий натижага эришилади. Сўнгги йилларда бу икки тарбия ўчоғига яна бир адаб маскани — маҳалланинг қўшилиши фарзандларимиз камолотида муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни таълим муассасаси—оила—маҳалла ҳамкорлигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Илм масканларида ўтказилаётган тадбирларда маҳалла фаолларининг иштироки натижасида ўқувчи-ёшлар жамоат жойида ўзни тута билиш, муомала маданияти, катталарга ҳурмат каби одоб-ахлоқ меъёрларини ўрганаётган бўлсалар, маҳалла томонидан миллий байрамларимиз муносабати билан ташкиллаштирилаётган тадбирларда ёшларимиз миллий қадриятларимизни, аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганмоқдалар.

Таълим муассасаси—оила—маҳалла ҳамкорлигининг самараси ўлароқ айрим оилаларда маънавий муҳитнинг яхшилангани, нафақат болалар, балки ота-оналарнинг ҳам нопок йўллардан қайтарилганлиги ижобий ҳолдир. Оила саранжом-сариշта бўлса, унда ақлли, билимли ва албатта, бахтли фарзандлар вояга етади.

**Мамлакат АЛМАТОВА,**
**Тошкент банк коллежи ўқитувчиси**

# ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИЛМИ

## уни ўқувчилар нечоғли ўзлаштира олишяпти?

*Tahlil*

**Адабиётни ҳаёт дарси дея атаймиз. Ўз она тилини ҳар жиҳатдан мукаммал билмоқ эса инсоннинг юртга муносиб фарзандлик, фуқоролик бурчи, десак хато бўлмас. Шу боис фарзандларимизга ўз она тилимизнинг меҳру муҳаббатини узата олмоғимиз шартки, ана шу эъзоз уни келажакда турли таъсиру хуружлардан омон сақлашга хизмат қилсин... Хўш, мактабларимизда она тили ва адабиёт фанларини ўқитишнинг самарадорлигига қўйилган талаблар бугун қай даражада? Республика Таълим маркази филология бўлими бошлиғи, педагогика фанлари номзоди Муҳаббат Абдурайимова билан мулоқотимиз шу каби мавзуларга қаратилди.**

**— Бирор фаннинг ўқувчи томонидан пухта эгалланиши, аввало, ўқитувчининг билими, касбий маҳоратига боғлиқ. Шу боис, ўқитувчи она тили дарсларида ўқувчининг назарий билимлар қаторида амалий — ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқини ривожлантириши энг муҳим масала, назаримда.**

— Сиз тилга олиб ўтган жиҳатлар бугунги куннинг долзарб мавзуси саналади, десам муболаға бўлмас. Буни мутахассис сифатида изоҳлайдиган бўлсак, она тили таълимининг Давлат таълим стандартларида ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари уч параметрли кўрсаткичлар орқали аниқланиши белгилаб қўйилган. Биринчиси, ўқиш техникаси бўлиб, бунда уларнинг ифодали, ичида, овоз чиқариб ўқишларига эътибор қаратилади. Оғзаки нутқ равонлиги, яъни ўзгалар фикрини тинглаб ёки бирор-бир матнни ўқиб, уни ўз сўзи билан баён этиб бериш масаласи фан таълими олдига қўйилган иккинчи талабдир. Ўқувчиларнинг мазкур фандан эгаллаган билим, кўникма ва малакалари ёзма нутқ аталмиш учинчи — асосий параметр орқали ўз ифодасини топади.

Бугунги кунга келиб олимларимиз, методистларимиз «Она тили дарслари матн яратиш билан бошланиб, матн яратиш билан тугалланиши керак!», деган якдил хулосага келдилар. Бу гаплар гарчанд рамзий маъно касб этса-да, ўқувчини ижодий фикрлашга ундаш, унинг ёзма нутқини ривожлантиришга эътибор қаратиш асосий вазифаларимиз қаторига кўтарилгани аниқ. Шу аснода ҳозир яратилган дастурлар ҳам янгиланиб, индуктив таълим, яъни амалиётдан назария томон бориш услуби асос қилиб олинган.

Дарсликларни варақласангиз, ўқувчиларга қоидаларни ёдлатишдан воз кечилганига гувоҳ бўласиз. Ўқувчи берилган амалий топшириқларни бажариш давомида ўзи умумлашма хулоса чиқариши, шу йўл билан назарий тушунчага эга бўлиши керак. Ўйлайманки, бу тамойил ҳам фарзандларимизнинг мустақил фикрлаш ва уни ёзма баён этиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Майли, тўрт жумла бўлса-да, ўқувчининг ўзи ёзсин.

**— Назаримда, мантиқий, ижодий фикрлаш, ёзма нутқни ривожлантириш талаби ўқувчиларнинг ишларини текшириш, синов ва имтиҳонлар жараёнида ҳам ўз аксини топиб боради. Аммо айрим ўқитувчилар ўқувчининг ёзма ишини баҳолашда бу жиҳатларни тўлиқ қамраб олмаслиги кузатилади.**



— Жуда тўғри масала хусусида тўхталдингиз. Жойларда бўлганимда айнан шу каби муаммога кўп рўбарў бўламан. Ўқитувчиларимиз ўқувчиларнинг ёзма ишларини текширганларида асосан имло хатоларига эътибор қаратишади. Ишнинг асосий моҳиятини очиб берувчи услуб масаласи эса назардан четда қолиб кетаверади. Натижада ўқувчи ёзма нутқидаги камчилик сифатида имло хатоларини кўради ва уни тузатишга уринади. Жумлалардаги, мазмундаги ғализлик, бир атама ёки тушунчанинг такрор қўлланиши, фикрнинг услубий жиҳатдан тўғри ифодаланмаслиги бора-бора кўникмага айланади ва ёзма нутқдаги тўмтоқлик «касаллиги» вужудга келади.

Биз турли анжуманларда, ятаётган тавсияларимизда бу масалага бот-бот тўхталаяпмиз. Тўла маънода кутилган натижага эришиш учун амалиётчи ўқитувчиларнинг жонкуярлиги, талабчанлиги, ўз фанининг баркамол, мустақил фикрли шахс камолида нечоғлик катта аҳамият касб этишини юракдан тушуниб, олдига қўйилган вазифаларни сидқидилдан адо этишларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Айтиб ўтиш кераккки, бу йилдан имтиҳонларга ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилди, яъни 7-синфни битираётган ўқувчилар олдин диктант ёзган, оғзаки саволларга жавоб беришган бўлса, энди улар учун матн яратиш топшириғи берилади. 9-синф битирувчилари эса ижодий баён (шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, назорат баёни эмас) ёзишади ва бунда ҳам мустақил, эркин фикрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

**— Бир пайтлар адабиёт сабоқларида ўрганилган асарлардаги қаҳрамонлар «ижобий», «салбий» дея ажратилар, мана шу баҳонинг ўзиёқ маълум маънода ўқувчининг эркин фикрлашини чегаралар эди. Албатта, бугунги адабиёт таълимидаги янгиланишлар, ўзгаришлар аксинча ўқувчининг мустақил мушоҳада юритишига йўл очади, кўмаклашади. Бу борада яна қандай илғор тажрибалар бор?**

— Ўқитиш методикасидаги берилган асарнинг парчаларини қайта ҳикоялатиш, ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига дахлдор тайёр материалларнинг берилиши ўқувчиларни «дангаса» қилиб, фақат бор манбалар билан кифояланишга одатлантириб қўйишини тажрибалар тасдиқлади. Айни кунда кўпроқ савол ва топшириқлар орқали ўқувчини матн таҳлилига йўналтиришга, асарни ўқиб ўзи хулоса чиқаришига имконият яратишга эътибор қаратилаяпти.

Майли, синфдаги дейлик ўттиз ўқувчи ўттиз хил муносабат билдирсин ўқиган асарига, лекин ўз сўзини айтсин. Бу тамойил ўқувчиларнинг бадиий ўқишга қизиқишини оширишга ҳам хизмат қилади, деган умиддамиз. «Бир ойда бир ўқувчига уч китоб» лойиҳаси устида ишлаяпмиз. Мактабларимизда «Адабиёт декадаси» ўтказиш режалаштирилган.

Мавзумиздан чекиниб, яқиндагина пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 97-мактабда ўтказилган бир тадбир хусусида тўхталмоқчиман: севимли шоирамиз Зулфияхоним ижоди ва ҳаётига бағишланган мазкур кечада ўқувчилар шоиранинг шеърларини шунчалар меҳр билан, мароқ билан ўқишар экан беихтиёр бутун вужудимни ҳаяжон тутиб кетди. Қизлар Зулфияхонимни ҳавас, ҳурмат билан ёд этишар, шоирадаги вафо, садоқат, юртпарварлик, асарларидаги ибо, ҳаё, мардлик каби фазилатларни ўзларида жо этишни бурчлари сифатида қабул қилишарди. Ҳа, тадбирлар, адабиёт сабоқлари ана шундай кўнгилни тарбияловчи куч, воситадир.

**— Суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Ойбуви ОЧИЛОВА**
**суҳбатлашди.**

# ИСТЕЪДОД — БУЮК КАШФИЁТ

## *бунда тўгараклар фаолияти муҳим*

Қадимдан доно халқимиз илм ва ҳунарни улуғлаб келган. XI асрда Кайковус томонидан яратилган «Қобуснома»да ҳам киши ҳар қанча олийнасаб бўлса-да, аммо ҳунари бўлмаса «халойиқнинг иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур», дея ҳунарнинг улуғ мақомига урғу берилган.

«Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас. Билурсанки, хори муғилон (тиканли бута)нинг таки бордур, аммо сояси йўқдур. Ҳунарсиз киши ҳам хори муғилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага фойда берур», деган ўхшатиш ҳам бежиз эмас. Орадан минг йил ўтибдики, бу пурҳикмат сўзлар ўз қадрини йўқотмади. Ота-оналар фарзандларининг мактабдаёқ бирор ҳунарни ўрганишларини истаётгани ҳам бекорга эмас. Ҳунар эса тўгаракларда ўрганилади. Қизларимиз тикиш-бичиш, каштачилик, зардўзлик, ўғил болалар эса дурадгорлик, устачилик, таъмирлаш ишларидан хабардор бўлсалар қандай яхши?! Биз мактаблардаги тўгарак ишлари қандай ташкил этилгани тўғрисида ота-оналар ва ўқувчилар фикри билан қизиқдик.

Миродил Жўраев, 14 ёш, пойтахтдаги мактаблардан бирида ўқийди:

— Мактабимизда 20дан ортиқ тўгарак бор, лекин ҳеч бирига қатнашгим келмайди. «Физика», «Математика» тўгаракларида масала ечиш ўргатилади. Олти соат ўқигандан кейин яна масала ечиш учун тўгаракда қолишни хоҳламайман. Лекин электр асбоблари, радио, телевизор, тефаль, дазмол каби рўзғорга зарур буюмларни тузатишни шу тўгаракда ўргатишса бажонидил келардим.

Бу гапда жон бор, албатта. Ўқувчи ақлий фаолиятдан сўнг маданий ҳордиқ чиқариши ёки жисмоний тарбия билан шуғуллангани маъқул. Бу фикрни болалар шифокори Феруза Мансурова ҳам тасдиқлайди:

*Siz nima deysiz?*

— Ўқувчи бир кунда 6 соат ўқиб толиқади. Шунинг учун 2-3 соат очиқ ҳавода сайр қилиши, компьютердан узоқлашиши, мияни зўриқтирадиган фаолиятдан чекланиши керак. Дарсдан кейинги тўгарак машғулотлари аниқ фанларни чуқур ўргатишга қаратилган бўлса, орада 1-2 соатлик танаффус бўлгани маъқул. Акс ҳолда асабийлашиш кучаяди, умуртқа поғонаси қийшаяди, суяклар нотўғри ўсади, букчайиш пайдо бўлади. Негаки, 6-8 соат партада ўтириш ўқувчини толиқтиради. Ҳунар ўргатувчи тўгараклар, спорт машғулотлари, эса мускулларни чиниқтиради, мияга дам беради. «Мунчоқ билан безатиш», «Расомлик» тўгараклари ҳам бир соатдан ортиқ давом этмаслиги керак, акс ҳолда кўз чарчайди.



Ўқувчи ва шифокор фикридан шундай хулоса келиб чиқмоқдаки, тўгарак ишлари болага дам бериши, ақлий ва жисмоний фаолиятни уйғунлаштириши керак. Спорт тўгаракларининг фойдаси кўп таъкидланади.

Яна бир фикр. Тўгаракларни жонлантиришда маҳалла — мактаб ҳамкорлиги ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ҳақда Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалласи диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳалима Йўлдошева шундай дейди:

— «Маҳалланг — отанг, онанг» дея бежиз айтилмаган. Ундаги болаларни ота-онадек бағримизга олишга ҳаракат қиляпмиз. 293-мактаб директори Шарифахон Баёнова билан ҳамкорликда маҳаллада ҳам рақс, спорт, она тили тўгараклари очганмиз. Бу тўгаракларга «Зилола», «Истиқбол», «Мажнунтол», «Ҳусайн Бойқаро» маҳаллаларидан ҳам болалар келишаяпти. Ф.Исмоилова, Д.Азизов, Р.Умархўжаева, Ш.Имомова, Н.Бўриева каби тўгарак аъзолари бувабувиларидан эшитган мақол, ҳикматли сўзларни йиғиб боришмоқда. Рақс ва спорт тўгараги аъзолари турли тадбирларда, байрамларда рақс ва миллий кураш бўйича маҳоратларини намойиш этишмоқда. Дарсдан кейин қизиқарли машғулотлар билан банд ўқувчилар «Интернет кафе», дискотекага югурмайди.

«Баркамол авлод йили» ва «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш» ўқув йилида тўгараклар фаолиятини янада яхшилаш, бўш вақтни мазмунли ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш нафақат мактаб, балки маҳалла фаолларининг ҳам асосий вазифаси бўлса, нур устига нур бўлар эди.

Айрим ўқувчилар республика, шаҳар, туман ўқувчилар ижодиёт марказларига қатнайди. Кам таъминланган оила фарзандлари учун тўгаракка бориб келиш, йўл ҳақи каби харажатларни қоплаш мақсадида ҳомийлар томонидан турли стипендиялар жорий қилинса, иқтидорли, истеъдодли болаларга янада кўпроқ кўмак берган бўлардик. Зеро, улар орасидан бўлғуси истеъдодлар чиқса, не ажаб?!

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

## ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2009 йилда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кирмаган умумтаълим мактабларига харид қилинаётган мебель ва ўқув асбоб-ускуналарини умумтаълим мактабларига етказиш ва ўрнатиб бериш бўйича қайта тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.**

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилади. Унда мебель ва ўқув асбоб-ускуналарини жойларга тўлиқ, арзон ва сифатли қилиб, Тошкент шаҳар ва вилоятларда жойлашган умумтаълим мактабларига етказиш ҳамда ўрнатиб бериш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари-мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган барча корхоналар иштирок этиши мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

— қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик арафасида турган;

— зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

— илгари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартномалар бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки бажармай келаётганлар;

— тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;

— «Буюртмачи» билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;

— тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган корхона ва ташкилотлар.

Тендер савдоси ўтказилиш жараёни ва тартиби ҳақида қўшимча маълумот олиш учун Тендер комиссиясининг Ишчи органига эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) ҳар куни соат 10:00 дан 17:00 га қадар қуйидаги манзилга мурожаат қилиши мумкин:

100159, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони — 5, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш мониторинги бошқармаси.

Телефонлар: (8-371) 239-19-58, 239-18-24.

Тендер савдосида иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар Халқ таълими вазирлигининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 1 000 000 (бир миллион) сўм миқдорида пул ўтказиш йўли билан қайта қопланмайдиган комиссион тўловини амалга оширгач, тендер ҳужжатларини олишлари мумкин.

Халқ таълими вазирлигининг банк реквизитлари:

Ҳ/р.: 20203000100101044002, АТ "Ипотека" Банк, Меҳнат бўлими, Тошкент шаҳар, МФО: 00423, ИНН: 201122808, ОКОНХ: 97300.

Тендер таклифларига 2 фоиз миқдорида бўнак пули бириктирилган бўлиши керак. Бўнак пули Халқ таълими вазирлигининг юқорида кўрсатилган ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим.

Юқорида кўрсатилган бўнак пули билан бириктирилмаган тендер таклифлари Тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари Тендер комиссиясининг Ишчи органига 2009 йил 30 апрель соат 15:00 дан кечиктирилмаган ҳолда тақдим қилиниши лозим. Тендер савдолари ташкилотчилари тендер таклифларини ишлаб чиқиш ёки тендер савдосида иштирок этиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз зиммасига олмайдилар.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши Тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

# ИЖРОДА НАФАСНИНГ ЎРНИ...

*Sinab koʻring*

Ёш ижрочиларнинг мусиқа санъатига бўлган қизиқиши ва қобилиятини рўёбга чиқаришда халқ қўшиқчилик санъати малакаларини узлуксиз ўзлаштириш муҳим ўрин тутади.

Халқ қўшиқчилик тарбияси услублари соф идрокка асосланган. Шу боисдан ҳам ашула ва рақс ансамблларида хушоҳанглик тарбиясида икки хил услуб қўлланилади. Биринчи услуб — ансамблдаги истеъдодли халқ хонандаларининг айрим вокал ижрочилик усуллари ва тажрибаларини ўзлаштириш йўлидан бориш; иккинчи услуб — устоз назоратида ашулачилик маҳоратини узлуксиз машқлар орқали шакллантиришга эришиш.

Ашула ва рақс ансамблларида хушовозлик тарбияси жиддий ва оқилона муносабатни талаб қилади. Хушовозликнинг шакл-ланиши куйловчининг ўз қаддини, бўйни ва бошини тўғри тутишга ҳамда қобилиятига боғлиқ.

Биринчидан, куйлаётганда тик туриш керакми ёки ўтириб куйлаш лозимми, деган савол туғилади. Кўпинча тик турган ҳолатда куйлаш тавсия этилади. Бу ҳолат хушовозлик малакаларини мукаммаллаштириш учун яхши шароит яратиб беради. Куйловчи тўғри туриши, қаддини эгмасдан кўкрагини озгина олдинга чиқариши лозим. Бу ҳам хушовозликни таъминлашга ёрдам беради.

Нафас ашулада муҳим аҳамият касб этади. У товуш манбаи саналиб, куйлаш сифатига хушовозлик техникаси ва бадиий ифодалилик жиҳатидан боғланиб кетади.

Куйловчилар нафас ҳақида нималарни билишлари лозим? Ижрочилардан нафасдан фойдаланиш техникаси (шовқинсиз қисқа нафас олиш; нафас таянчи ҳамда нафасни аста-секинлик билан сарф қилишни билиш) тажрибаларини амалда ўрганиш талаб қилинади.

Баъзи вокал асарларида узун мусиқали жумлалар учрайдики, уларни бир нафасда куйлаш қийин ёки умуман иложи йўқ. Шундай ҳолатларда ҳалқасимон нафаслардан, яъни куйловчининг бўғинларга ажратилган нафасларни бирин-кетин сарфлаб бориши йўлидан фойдаланилади. Шу жараёнда ҳар бир куйловчидан умумий ансамблга эҳтиёткорлик билан қўшилиш малакасини ошириш талаб қилинади.

Дикция — бу вокал (қўшиқ) техник малака бўлиб, ансамбль хонандаларига сўзларни аниқ талаффуз қилиш орқали ижро этилаётган асарнинг матнини тингловчиларга равшан ҳолатда етказиб бера олиш мажбуриятини юклайди. Дикция устида ишлаш бир типдаги «а», «е», «о», «у» ва «и» каби унли ҳамда ундош товушларнинг талаффуз техникаси юзасидан машқ ўтказишдан иборат. Бу машқлар аниқ, қисқа, узлуксиз вокал йўналишларига эга бўлиши лозим. Тўғри талаффуз қилиш машқлари тўғри нафас олиш, овоз ҳосил қилиш, интонация софлигини таъминлаш, ифоданинг динамикасини шакллантириш соҳаларини ҳам қамраб олади.

Юқорида кўрсатилган амалларга риоя қилган ҳолда куйлаш хонанданинг ижро маҳоратини такомиллаштиришида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

**Санжар МУСТАФОЕВ**

*Har bir so'z, har bir iborani ishlatganda, uning muomalaga kiritilgan tarixiy davrini, tarixiy shart-sharoitini inobatga olish maqsadga muvofiq bo'ladi.*

*Fikr, mulohaza, taklif*

# ЧЕТ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИ ЎРГАНИШ

## муаммо ва ечимлар

**Ҳозирги пайтда чет тили таълими кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим қисмига айлангани ва бирор-бир чет тилини билиш ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тугатаётган мутахассис умумий маданиятининг ажралмас бўлаги эканини барчага маълум. Бу эса, ўз навбатида мамлакатимиз педагоглари, методист олимлари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Чет тили касбий таълимнинг узвий қисми сифатида ўрганилишини таъминловчи дарслик, дастур, махсус луғат ва қўлланмаларни яратиш вазифаси тезкорликни талаб қилса, хорижий тилда мулоқот кўникмаларини шакллантириш методикасини ривожлантириш эса ўта долзарб масаладир.**

*Нутқий фаолиятнинг турли босқич ва ташкилий қисмларига оид малакаларни шакллантириш учун умумхизмат қиладиган методларни ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, грамматик малака хорижий тилда нутқий мулоқотнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бироқ грамматик кўникмани ҳосил қилиш муаммоси тўлиқ ечимини топгани йўқ. Айниқса, мактаб ўқувчиларига грамматик кўникмани бериш ўзгача услуб ва педагогик-психологик ёндашувни талаб қилади. Бу муаммонинг ечимини топиш вазифаси, унинг назарий ва амалий жиҳатдан ҳануз таҳлил қилинмаганлиги ушбу мавзуни долзарб илмий соҳа сифатида танлашга ундайди.*

*Грамматика тизимининг тил ўзлаштиришда тутган ўрни, унинг нутқий мулоқот бирликлари тузилишидаги етакчи вазифаси доимо кузатиладиган ҳодисадир. Мазмунли ва барчага тушунарли нутқни грамматикасиз, унинг қонун-қоидалари амалиётисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айтиш керакки, нутқий фаолият, нафақат маълум бирлик ёки тузилмаларни ёдда сақлаб қолиш ва қўллашдан, балки уларни таълимнинг мобиль нусхалари асосида ҳосил қилиш ҳамда нутқий вазиятга мослаштириб ишлатишдан ҳам иборатдир. Шу сабабли тил ўргатиш жараёнида грамматик жиҳатдан барча талабларга жавоб берадиган ҳамда мазмун жиҳатдан тўлиқ ўзига хос мавҳум моделларни ажратиш эҳтиёжи туғилади. Академик Л.Изерба тил таълимида грамматик билимнинг аҳамияти тўғрисида қуйидаги фикрни билдирган: «Тилимизни чегараланган миқдордаги турғунлашган нутқий бирикмалар тўпламига тенглаштириш нотўғри. Биз доим илгари учратмаган нутқий тузилмаларни эшитиб, тушуна оламиз ёки ўзимиз шундай тузилмаларни ҳосил қиламиз. Демак, азалдан маълум бўлган, лекин кейинчалик танқид қилинган грамматика «сўзлаш»га ўргатди».*

*«Тилнинг грамматик қурилиши, — деб ёзган эди В.Адман, — инсон онгида ўзаро тобелик муносабатлари асосида тизимлашган моделлар, қолиплар кўринишида ўз аксини топади. Ушбу қолиплар ҳар бир нутқий фаолиятда маълум мантиқий фикрни шакллантириш учун хизмат қилса-да, улар бир-биридан алоҳида шакл тузилиши ва бошқа грамматик ҳодисалар билан алоқалари жиҳатидан фарқ қилади».*

*Қўйиладиган талаб ва қўлланиш вазиятига нисбатан она тилини ўзлаштириш ҳамда чет тилини ўрганиш мақсади учун хизмат қиладиган грамматикаларни ўзаро фарқлаш лозим бўлади. Маълумки, она тили бўйича ўқув дастурларида асосан икки йўналишдаги мақсад ва вазифалар қўйилади.*

*Хорижий тил грамматикаси том маънода амалий бўлиши керак. Она тили грамматикаси эса кўп ҳолларда назарий-амалий жиҳатлардан иборат бўлади, чунки унда асосий мақсадларга нисбатан тил ҳодисаларига таъриф бериш, уларни тизимлаштириш лозим бўлгани учун турли фикр-мулоҳазаларга мурожаат қилинади ва баҳс юритилади. Бундай ҳолат амалий грамматика учун ёт, унда аниқ шаклланган тил бирликларини қўллаш қоидалари келтирилади.*

*Грамматиканинг хорижий тилларни ўрганиш жараёнида тутган ўрнини паст баҳолаётган лингводидаллар кўпинча унинг «мураккаб» ва «зерикарли» эканига ишора қиладилар. Бунинг сабаби дарсликлар тузилишида, уларда грамматик материалнинг берилиши ва қоидалар баёнида кўринади. Дарсларда грамматика кўпинча «нафалог» услубида баён қилинади ёки ҳар бир ҳодиса алоҳида мустақил қисмларда берилади. Бу эса иккита қийинчиликни туғдиради. Биринчидан, ўқувчилар мушкул вазифага дуч келадилар: бир грамматик ҳодиса, масалан, тил шакли ўзлаштирилиши билан бошқа ҳодисалар ҳақида фикр юритилади. Жуда кам ҳолларда бу ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик, уларнинг яхлит тизим намуналари эканига эътибор қаратилади. Бу турдаги ёндашув материалнинг тўла ўзлаштирилишини қийинлаштиради ҳамда шу йўсинда таълим мотивацияси пасаяди. Иккинчидан, айрим пайтларда муайян дарс мавзусининг бошқа мавзу билан мос келмаслик ҳоллари кузатилади. Бинобарин, бир дарсда ўқувчиларга Past Continious, Past Perfect, Past Perfect Continious шакли нутқ ижро қилинаётган пайтда бажариладиган иш-ҳаракатни ифода қилиши тушунтирилса, иккинчисида ушбу шакл келажакда бажарилиши режалаштирилаётган ҳаракатни ифода қилиши мумкинлиги баён этилади. Лекин уларнинг бир хил ҳодиса эканлиги тушунтирилмайди. Натижада, қоидадаги турли хил қарама-қаршиликлар, истиснолар ўқувчиларни «исканжага» олади ҳамда тил материали кўпайиши жараёнида уларда қўйилган вазифани эгаллашга бўлган ишонч камайгандек туюлаверади.*

*Хулоса қилиб, шуни айтмоқчи эдикки, грамматика тил тизими таснифнинг асоси эканлиги ва ушбу тизим фаолияти ҳақидаги маълумотни фақатгина грамматик билим асосида ўзлаштириш мумкинлиги дарсликларда ҳам эътиборга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди.*




**Наима ШОМУРОДОВА,**
**ЎзДЖТУ 2-инглиз филологияси факультети талабаси**

# ТИЛ БОЙЛИГИ — ЭЛ БОЙЛИГИ

*Mulohaza*

**Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги дастлабки қадами бўлган эди. Тил тўла мустақил бўлиши ва у ўзининг миллий жозибасини тўла намоён қилиши учун тил тўғрисидаги қонун талабларининг бажарилишини таъминлаш муҳим.**

Ўзбек тилининг жозибасини тиклашнинг энг муҳим йўли — унинг софлиги, мусаффолигини таъминлашдир. Фуқароларда она тилида соф гапириш, равон ёзиш маданиятини шакллантириш катта аҳамиятига эга.

Фикримизча, тилнинг софлиги ҳақида гапирганда унинг икки қутби, икки томони борлигини унутмаслик даркор. Тилнинг софлигини таъминлашнинг ижобий томони оғзаки ва ёзма нутқда кўпроқ миллий тилнинг сўз ва атамаларидан оқилона, унумли фойдалана билиш, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилаётганда бошқа тиллардаги ибораларни қўлламаслик, миллий тилнинг илмий, адабий, тарихий анъаналарига риоя қилиш малакалари ётса, салбий томонида бошқа тиллардаги сўз ва ибораларнинг келишига, фуқароларнинг ўша сўзларни ўзлаштириб олиш кайфиятлари, тенденциялари ётади.

Ҳар бир миллат ўз она тилининг соф бўлишини исташи тарихий ҳақиқатдир. Лекин фан ва техника жадаллик билан ривожланаётган, унинг ютуқлари фуқаролар турмуш тарзига жадаллик билан кириб бораётган ҳозирги замон шароитида миллий тилларнинг софлигига эришиш мумкин эмаслиги табиий. Жаҳонда ҳеч бир тил ўзининг миллий хусусиятлари, сўз, ибора ва атамалари билан чегараланиб қолмайди. Жаҳон цивилизацияси, хусусан, фан ва техника тараққиёти туфайли муомалага кириб келган янги сўзлар, иборалар билан бойиб боради. Чунончи, бугун ҳозирги фан ва техника тараққиёти туфайли байналмилал аҳамиятга эга бўлган: **компьютер, электрон парапсихология, молекуляр физика, органик кимё, пластика, фонология** каби қатор атамаларнинг она тилимизга кириб келиши фикримизнинг исботидир.

Бу сўзларнинг ўрнини босадиган, уни алмаштирадиган сўзлар ёки иборалар топиш эса айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Худди шунинг учун ҳам ўзбек тилининг софлигини таъминлаш, софлигини тиклаш деганда, миллий тилдаги қадимий сўзлар, ибораларни тиклаш, уларни муомалада кўпроқ қўллаш зарур деган фикр келиб чиқмаслиги зарур. Эски атамалардан ўз ўрнида оқилона фойдаланиш даркор, деб тушунмоқ лозим. Ҳар бир сўз, ҳар бир иборани ишлатганда, унинг муомалага киритилган тарихий даврини, тарихий шарт-шароитини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкинки, тилнинг софлиги нисбий тушунча бўлиб, уни бутунлай амалга ошириш мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш, уни ҳар томонлама ривожлантириш — маданий меросимиз тарбиявий қудратининг ошиши билан, аждодларимиз маданияти авлодлар билан боғланади. Ана шу ворисликнинг кучайиб бориши ёшларда маданий мерос билан фахрланиш туйғусини шакллантиради. Натижада, йигит ва қизларда миллий ғururнинг шаклланиш жараёнини тезлаштиради.

**Муқаддам ЖУМАНАЗАРОВА,**
**Қарши туманидаги 12-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси**

27-mart — Xalqaro teatr kuni

# ТЕАТР — ИБРАТХОНА

***Театр тарихи инсониятнинг олис ўтмиши билан бевосита боғлиқ. Унинг илк кўринишлари ибтидоий даврларга бориб тақалади. Қадимда турли диний маросим ва байрамлар ўтказилган пайтлардаёқ театрнинг асосий кўринишлари пайдо бўлган.***


*Ўзбек Миллий академик драма театри*


*Сидней опера театри*

Милоддан аввалги V асрларда Ҳиндистон, Юнонистон ва Турон ҳудудларида театр жамият ҳаётида катта ўрин тутган. Кўп ўтмай, Яқин Шарқ ва Римга ҳам театр санъати кириб келган. Шу ўринда Римни театр санъатининг янги шакл ва йўналишларини кашф этган макон сифатида эътироф этиш мумкин. Уйғониш даврида юзага келган драма йўналиши эса мутлақо янги шаклдаги профессионал театрнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Vicipedia.ru сайтидан олинган маълумотларга қараганда, опера XVI асрдан, балет санъати XVIII аср ўрталаридан, оперетта йўналиши эса XIX аср ўрталаридан театрнинг мустақил шакли сифатида ривож топа бошлаган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясидан олинган маълумотларга кўра, кўҳна Мовароуннаҳрда ҳам театр санъати жуда катта тарихий тараққиёт босқичларига эга. Манбаларда келтирилишича, бу соҳа ибтидоий жамоа давридаги овчилик ва бошқа бир қатор меҳнат жараёнларига тақлидан турли ҳаракатлар, жанговар ва миллий ўйинлар, ибодат қилиш маросимлари шаклида юзага келган. Милоддан аввалги VII-VI асрлардаёқ Туронда Авесто билан боғлиқ 2 кўринишдаги — қувноқ ва ғамгин томошалар қўйилган.

Филология фанлари номзоди, театршунос Шуҳрат Ризаевнинг айтишича, 1914 йили Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” драмаси билан бошланган замонавий театр санъати кейинги қарийб юз йиллик тараққиётида жаҳон меъёрлари даражасига чиқди. Беҳбудий мазкур пьесани илк бор Самарқандда қўйган эди. Шу билан улуғ маърифатпарвар мамлакатимизда биринчи замонавий театрга асос солди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда жами 37та давлат театри мавжуд. Уларнинг 11таси Тошкент шаҳрида жойлашган. Уларда ҳар йили ўртача 120—150та янги асарлар саҳналаштирилади.

## НОЗИКТАЪБ ТЕАТРШУНОСЛАР ЭЪТИРОФИ

“Неча йиллар давомида ўзининг беқиёс санъати ва маҳорати, классик асарларнинг бетакрор ижроси билан бу театр нафақат миллий санъатимиз мухлисларини, балки дунёдаги манаман деган театрларнинг машҳур режиссёр ва актёрларини, уларнинг энг нозиктаъб театршунос ва мутахассисларини ҳам ҳайратда қолдиргани маълум”, — деган эди Президентимиз Ислом Каримов 2002 йил 30 августда Ўзбек Миллий академик драма театрининг очилиш маросимида. Дарҳақиқат, Ўзбек Миллий академик драма театри пойтахтимиздаги энг қадимий ва тўнғич театр кошоналаридан бири саналади. У 2001 йили қайта таъмирланди ва дунёнинг энг машҳур театр биноларидан ҳеч қолишмайдиган даражага келтирилди ҳамда унга Ўзбек Миллий академик драма театри мақоми берилди.

Ушбу театр фаолиятини ривожлантиришда забардаст санъаткорларнинг хизмати катта. Улар замонавий ўзбек театр санъатининг ривожланиш тарихида мустаҳкам пойдевор яратдилар.

## ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИ

Пойтахтимизда жойлашган муҳташам ва қадимий театрлардан яна бири Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театридир. Ушбу театр ўзининг шарқона меъморий кўриниши ва маҳобати билан алоҳида ажралиб туради. Юртимизда академик санъат тури бўлмиш опера ва рақснинг энг нафис йўналиши — балет санъатининг равнақ топиши, шунингдек, ушбу санъат ихлосмандларини дунёнинг энг машҳур, сара асарлар билан баҳраманд этишда театр жамоасининг хизмати катта эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Театр фаолияти ҳамда унинг бугунги шуҳрати ҳақида сўз борганда, албатта, Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова номи тилга олинади. Унинг юксак ижодий маҳорати ва ижрочилик санъати нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон опера намоёндалари томонидан чуқур эътироф этилмоқда. М. Раззоқованинг дунёнинг энг кучли опера ижрочилари 30талиги таркибига кирганлигининг ўзи бунинг ёрқин мисолидир.

## “ТАШРИФ ҚОҒОЗИ”ГА АЙЛАНГАН

Италия (Милан)да жойлашган машҳур “Ла Скала” театри ҳақли равишда жаҳон опера маркази сифатида тан олинади. Интернет маълумотлари театр биноси 1776—1778 йилларда “Санта Мария делла Скала” ибодатхонаси билан бир вақтда қурилган ва айнан мана шу черков номи билан аталганлигини кўрсатади. Қизиғи шундаки, театр қурилиш жараёнида ер остидан Қадимги Римнинг машҳур мим (сўзсиз, имо-ишоралар билан роль ижро этувчи актёр)и — Пиладнинг сурати туширилган йирик мармар бўлаги топилган. Ушбу театр беш қават ва алоҳида галереядан иборат бўлган. Ложалар сони 194та бўлиб, уларнинг ҳар бири 8-10 кишилик бўлган. “Ла Скала” театрида ўз асарларини намойиш этишни истаётган дунё мусиқачилари ҳали ҳам оз эмас. Зотан, “Ла Скала” — дунёнинг машҳур мусиқачи ва опера санъати усталари учун фахрли “ташриф қоғози”дир.

## СУВ ОСТИДАГИ МЎЪЖИЗА

Австралиянинг энг кўзга кўринган, машҳур биноларидан бири — Сидней шаҳрида жойлашган опера театридир. Бино томонлари сув билан ўралган бўлиб, театр биносининг лойиҳаси ноёб техник-муҳандислик ва меъморий ечимлар тимсолидир. Мўъжизавий бинонинг 2000дан ортиқ бетон бўлаклари бирлаштирилган том қисми бинонинг ўзига хослиги ва бошқа ҳеч бир театр биноларига ўхшамаслигини таъминлаган. Негаки, ушбу том кундузи кўзни қамаштирар даражада оппоқ тусга, булутли ҳавода марварид рангга, қуёш ботиш вақтида эса пушти рангга киради. Бинода бешта алоҳида-алоҳида заллар мавжуд бўлиб, улар симфоник концертлар, опера, камер ва театр спектакллари учун мўлжалланган. Концерт зали ўзида 2600, опера зали эса 1500 кишини сиғдиради.

Концерт залида 10500 трубадан иборат дунёдаги энг катта механик орган мусиқа асбоби ўрнатилган. Шунингек, театр биносида кутубхона, кинозал, 50та грим хонаси, ресторан ва бар ҳам мавжуд.

## ТАРБИЯ ВА ЮКСАК ДИД ЎЧОҒИ

*— Театр ҳамиша ҳаракатни, эҳтирослар тўлқинини талаб этадиган ўзига хос санъат турларидан биридир,* — дейди Шуҳрат Ризаев. — *Ҳаракат ва эҳтирос эса кўпроқ ёшларга хос хусусиятдир. Ҳеч бир ижодий труппа ўзининг ўтмиш муваффақиятлари билан чекланиб яшай олмайди. Театр янгиланиб, ёшариб турмаса, бундай театрнинг келажаги ҳам бўлмайди. Шу маънода театр ҳамиша ўз даврининг қон томирини ҳис қилиб турмоғи, атроф ижтимоий ҳаётда, турмушда кечаётган жараёнларга, изланиш ва бунёдкорликларга, ютуқ ва мағлубиятларга, ўзгариш ва янгиланишларга жонли, фаол муносабатда бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳам навқирон авлоднинг театрда бўлиши, ёниб, фидойилик билан қизғин фаолиятда яшамоғи жуда керак.*

Дарҳақиқат, глобаллашув, компьютер технологиялари, интернет деб аталмиш «жаҳон ўргимчак тўри»нинг “беминнат” хизматлари маънавиятимизга тобора кучлироқ таъсир этиб бораётган айни бир пайтда музей, кутубхона каби юксак тарбия ўчоғи бўлган гўшалар қаторида театрнинг ҳам ўрни беқиёс. Юқори савия ва нозик диднинг шаклланишида, инсоннинг маънавий камолотини белгилашда театрнинг ўрни ҳақида гап кетаркан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоеванинг бу хусусда билдирган фикрларини келтириб ўтиш жоиздир: «... Бизнинг мақсад — хоҳ театрда бўладими, хоҳ оилада соғлом муҳитни шакллантириш. Театрда, кинода яратаётган образларимиз, оилада ўзимизни тутишимиз билан фарзандларимизга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодга ибрат бўлишимиз ниҳоятда зарур.

**Шаҳина ЖЎРАЕВА,**
**«Ma’rifat» мухбири**

# ТАНЛОВДА ИШТИРОК УЧУН ТАКЛИФНОМА

*E’lon*

**Танлов номи**: Махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни нашр этиш.

**Буюртмачи**: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур Танловда қатнашишга ҳақли бўлган корхона ва ташкилотларни махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш бўйича танловга таклиф этади.

**Молиялаштириш:** давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Танлов “Бир босқичли — бир конвертли” рақобат таклифларини танлаш тартиби асосида ўтказилади.

Танловда давлат реестрида рўйхатга олинганига олти ой муддатдан кам бўлмаган, қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаган, мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи бўлмаган, суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида турмаган, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун рухсатнома (лицензия)га эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражада бажара олган корхоналар қатнашиш ҳуқуқига эга.

**Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар рўйхати**

| Т/р | Дарслик номи | Муаллиф Ф.И.Ш. | Синфи | Таълим тили | Нусхаси | Йўналиши |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Она тили | Р.Рустамова | 1 | ўзбек | 551 | Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун |
| 2 | Она тили ва нутқ ўстириш | М.Холмухамедова ва б. | 2 | ўзбек | 562 | Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун |
| 3 | Она тили | З.Мамаражабова ва б. | 3 | ўзбек | 419 | Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун |
| 4 | Табиатшунослик | Д.Султонова ва б. | 5 | ўзбек | 413 | Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун |

Танлов хужжатларини олиш учун талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали, банк коди: 00423, СТИР: 201 122 808, 20 203 000 100 101 044 002 ҳисоб рақамига 300 000 (уч юз минг) сўм ўтказганликларини тасдиқловчи ҳужжат беришлари шарт. Тўлов юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Танлов талабларини олиш учун иштирокчилар томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди.

Танловда қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар 2010 йил 31 мартдан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10.00дан 17.00гача танловга тегишли қўшимча маълумотларни Халқ таълими вазирлигининг Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимидан олишлари мумкин.

**Манзил: Тошкент шаҳар 100078, Мустақиллик майдони, 5-уй, 3-қават, 319-хона. Телефон: (+998 71) 239-14-01, 239-40-81. Факс (+998 71) 239-40-83.**

Барча таклифлар 2010 йил 30 апрель соат 14.30 га қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Танлов таклифлари Халқ таълими вазирлиги биноси, 2010 йил 30 апрель соат 15.00 да барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда иштирокчиларга қайтарилади.




# ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

**29 март куни Москва шаҳридаги "Лубянка" ва "Парк культуры" бекатларида рўй берган қўпорувчилик ҳаракати бутун дунёни яна бир бор огоҳликка чорлади. Сўнгги маълумотларга кўра, фожеа натижасида 39 киши ҳалок бўлди.**

Россия Федерацияси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тезкор навбатчисининг маълумотларига кўра, 73 нафар жабрланган шифохонага ётқизилган.

Хабарингиз бўлса, Москва вақти билан соат 7:56 да "Лубянка", 8:39да "Парк культуры" бекатлари портлашдан ларзага келганди. Тахминларга кўра, ушбу кўнгилсиз воқеа икки нафар камикадзе томонидан амалга оширилган. Портловчи модда қуввати 0,3—3 кг. тротил эквивалентига тенг дея баҳоланмоқда, деб хабар берди "Новости" манбаси.

Айни пайтда тартибни сақлаш органлари томонидан суриштирув-қидирув ишлари давом эттириляпти.

Ҳозирда шаҳар метросининг Сокольнический "шохи"да жойлашган "Спортивный" — "Комсомольский" бекатлари оралиғидаги ва "Парк культуры" ҳудудидаги ҳаракат тўхтатилган.

Бундан олти йил олдин террорчи томонидан ерости поезди портлатилган, натижада 41 киши ҳаётдан кўз юмганди.

Воқеа сабаб Россиядан ташқари дунёнинг бошқа бир қатор мамлакатларида ҳам хавфсизлик чоралари кучайтирилди.

# ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Буюк Британиянинг "Бритиш Эйрвейз" авикомпанияси ва "Юнион" касаба уюшмаси ўртасида давом этаётган қарама-қаршилик янада кучайди. Буни маҳаллий телерадиокомпанияларда эфирга узатилган борт кузатувчиларининг навбатдаги норозилик намойишлари билан изоҳлаш мумкин.**




Авиаташкилот мутасаддиларининг маълумотларига кўра, мазкур келишмовчилик оқибатида 17 минг нафарга яқин йўловчи азият чеккан.

Шу давр мобайнида чипта харид қилган 240 минг кишидан 180 минг нафари манзилларига "Бритиш Эйрвейз"га тегишли ва ижарага олинган самолётларда етказиб қўйилса, қолганлар бошқа авиакомпаниялар хизматидан фойдаланади.

20 март куни бошланган машмаша 1950та рейсдан 1100тасининг бекор қилинишига олиб келди.

**Акбаржон РАСУЛОВ тайёрлади.**

# «ФИРИБГАР» САРАТОН ҲУЖАЙРАСИ




**Швейцариядаги Лозанна Федерал политехника мактаби олимларининг аниқлашича, саратон ўсмаларининг бир неча турлари ўз атрофида лимфа тугунларига ўхшаш молекуляр қуршов ҳосил қилади. Ана шу йўл билан организмни алдайди ва инсон танаси бўйлаб ёйилади. Бу тадқиқот ҳақида «НОВОСТИ» хабар қилади.**

Шифокорлар сичқонлар билан ўтказилган тадқиқотида меланома (тери саратони)нинг таъсири, унинг инсон организмига кириб келишини ўрганиб чиқилди. Ўрганиш асносида тери саратони лимфа тугунлари тузилиши ва фаолиятини эсга солувчи микроқуршов ҳосил қилиши аниқланди.



Маълумки, лимфа тугунлари жуда муҳим иммунитет тизимидир. Масалан Т-лимфоцит организмда мавжуд ёт моддалар, антигенларни аниқлайди ва уни йўқотади. Профессор Мелоди Шварц бошчилигидаги илмий гуруҳнинг мелоном ўсимтаси устидаги тадқиқоти бошқаларидан айнан CCL 21 оқсил-рецепторни ўрганганини билан фарқ қилади.

Бу саратон ўсмаси билан инсон иммун системасининг ўзаро таъсир механизми олдин олимларга номаълум эди. Тадқиқот муаллифлари янгиликдан саратоннинг тарқалишининг олдини олишда янги усулларни ишлаб чиқиш учун асқотишини тахмин қилмоқда.

# МАСЪУЛИЯТНИ «ЎЛЧАБ» БЎЛАДИМИ?

**Тадқиқотчилар томонидан инсондаги масъулият ва виждонийлик даражасини ўлчаш имконини берадиган аппарат яратилгани ҳақида aquaexpert.ru манбасида маълум қилинди. Илмий нуқтаи назардан ёндашилса, эндиликда мазкур ускуна ёрдамида инсон берган ваъдасини бажаришдан бош тортиш, тортмаслигини аниқлаш имкони яратила экан.**

Тажрибалар пайтида қатнашувчиларни томография текширувидан ўтказишган. Жараёнда иштирокчиларнинг бир қисми бажариш имкони бор, қолганлари бажариб бўлмас ишларни амалга ошириши ҳақида ваъда берган. Айни пайтда инсон онт ичган пайтда фаоллашадиган мия қисми назорат қилиниб турган ва унда рўй берадиган ўзгаришлар қайд этилган. Аслида тадқиқотнинг асосий мақсади ҳам шунга йўналтирилган эди. Эътиборлиси, имкони бор ва имконсиз ваъдалар берилганда мияда рўй берадиган жараёнлар ўртасида сезиларли тафовут борлиги аниқланди.



Изланишлар яна бир ҳолатга ҳам аниқлик киритишга ёрдам берди. Унга кўра, одам ёлғон гапирганда ва имконсиз нарсани ваъда берганида, бош миянинг мутлақо бошқа-бошқа қисмлари фаоллашар экан.

# ЧИВИНЛАРГА ҚАРШИ ЛАЗЕР УСКУНА

**Лонг-Бич (АҚШ)да бўлиб ўтган «Технология, атроф-муҳит ва дизайн — 2010» конференциясида океан орти мутахассислари безгак касаллигига қарши янгича усул билан курашиш мумкинлигини намойиш этишди. Гап шундаки, «Интеллэкшуал венчерс» компанияси бу касалликнинг тарқалишига сабаб бўлган чивинларга қарши лазер ускунасини ишлаб чиқиб, у синовдан муваффақиятли ўтганини эълон қилди. «Ньюсру» хабар беришича, аслида мазкур турдаги ускунани яратиш ғояси ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ Лоуэлл Вуд томонидан илгари сурила бошланган. Бугунга келиб мазкур ғояни у билан биргаликда компаниянинг асосчиларидан бири Натан Мирволд амалиётга татбиқ этган.**



Эътиборлиси, лазерли ускуна аввал фойдаланган турли қурилмаларнинг қисмларидан йиғилган. Бунга, хусусан, лазерли принтер, рақамли проектор, блу-рэй ёзиш ускунаси ва рақамли фотоаппарат кабиларнинг ташкилий қисмларини киритиш мумкин. Чивинларга қарши лазер қурилма битта ҳашаротни ҳам, уларнинг тўдасини ҳам саноқли сонияларда топиб, нишонга олади ва нобуд этади. Бунда ихчам нурли тизим махсус микролазер ёрдамида ишга тушади. Қолаверса, қурилманинг дастури урғочи чивинни фарқлаб, фақат уни нишонга олишни назарда тутади. Сабаби, айнан улар касалликни тарқатувчилар ҳисобланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, лазерли ускунанинг устун жиҳатларидан яна бири унинг ёрдамида секундига 50—100та чивинни бошқа ҳашаротларга зарар етказмаган ҳолда йўқ қилиш мумкинлигидадир. Келгусида янги технология асосан безгак касаллиги кенг тарқалган ва унга қарши курашиш асосий масалалардан бирига айланган Африка қитъасига жўнатилишини ҳам маълум қилинди. Уни ҳамёнбоп қилиб яратишдан кўзланган мақсад ҳам шу эди.

**Н.РУСТАМБЕКОВА, С.ЖУМАНОВА тайёрладилар.**

# ҚАЙНОҚ СУВ НЕГА ТЕЗ МУЗЛАЙДИ?

**Қайноқ сув совуқ сувга қараганда тез музлаши аниқланди. Бу жараённи Нью-Йорк давлат университетида радиацион хавфсизликни назорат қилувчи олим Жеймс Браунридж ўрганиб чиққан. Бу тадқиқот тўғрисида newscientist.com хабар берди.**

Сувнинг анча тез музлаш жараёни танзаниялик мактаб ўқувчиси Эрасто Мпемба шарафига «Мпемба таъсири» номи билан машҳур. Физиклар бу жараённи тушунтириб бериши мумкин бўлган барча фаразларни ўйлаб чиқишган эди. Улар тез буғланиш оқибатида қайноқ сув ҳажмининг қисқариши, совуқ сувнинг муз қатламларига ажралиши, ҳар хил концентрацияли эритмаларнинг мавжуд бўлиши бунга сабаб бўлади, деб ўйлашган. Лекин натижанинг доимий эмаслиги бир хулосага келишга халақит қилган. Жеймс Браунриджнинг таъкидлашича, доимий бўлмаган натижалар ечимнинг калити ҳисобланади. Охирги ўн йилликда Мпемба ҳолати бўйича юзлаб тажрибалар ўтказилган ва музлаш феноменининг ўзгарувчан эканини аниқлаган. Олимнинг келтиришича, назарий жиҳатдан сув 0 даражада музлайди, одатда эса ундан анча паст даражада қаттиқ ҳолатга киришни бошлайди. Музлаш нуқтаси муз кристали тузилишини белгилаб берувчи сувдаги аралашмага боғлиқ. Сув ўзида турли хил аралашмаларни сақлаши мумкин: чанг бўлаклари, туз эритмаси ёки бактериялар. Музлаш даражаси аралашмаларнинг турига қараб ўзгаради. Аралашманинг энг юқори музлаш нуқтаси сувнинг музлаш даражасини аниқлайди.



Браунридж қуйидагича тажрибани амалга оширди: 2та бир хил температурадаги қувурдан келаётган 20 даражали сувни олиб, ёпиқ идишда совутгичда музлатди. Битта намуна тезроқ музлади. Таркиби мураккаброқ бўлган сув музлаши учун эса кўпроқ вақт кетди.

Браунридж яна битта тажрибасида юқори даражадаги музлатилган сувни олиб, уни 80 даражагача қайнатди, қолган намуналар хона ҳароратида эди. Кейин у барча намуналарни музлаткичга қўйди. Биринчи бўлиб қайнаган сув музлади. Ғайриоддий эшитилиши мумкин, лекин қайнаган сув −2 даража, совуқ сув−7 даражада муз ҳолатига кирди. Мазкур тажриба Мпемба эффекти атрофидаги мунозара ва баҳсларга чек қўйди.

---

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшмаси жамоаси ҳуқуқшунослик факультети «Жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси» кафедраси доценти, юридик фанлари номзоди

**Раҳмонкул ҚУРБОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

---

Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси Қарши туман халқ таълими бўлими мудири Носир Каримовга онаси

**Ҳиммат ая БЎРИЕВА**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

# КОМИЛЛИККА ИНТИЛУВЧИ КОМИЛА

*Ustoznoma*



Ўз соҳасининг билимдони, касбининг фидойиси Комилахон илк бора ўқитувчи деган шарафли номи билан ўзи таҳсил олган илм даргоҳида ишлаб юрганида она тили ва адабиёт фанини танлаганидан, шу фандан ўқувчиларга тарбия ва сабоқ бераётганидан беҳад хурсанд эди. У устоз сифатида доимо ота-онасини улуғлайди. Дарсни у катта бир саҳна, дарсхонаси — театр, бир соатлик дарс ишланмасини тайёрлаш эса йирик асар яратиш билан тенг, дея баҳолайди.

«Ахир, ўз мухлисларини театрдан олам-олам қувонч билан, катта таассурот билан чиқиб кетишини қайси санъаткор истамайди?.. Театрда ҳар лаҳзада чалинган қарсаклар саҳнанинг беқиёслигидан бўлса, ўқувчиларнинг ўқитувчи саволига тинимсиз жавоб бериб туришлари уларнинг ўқитувчини қандай тушунганликлари, ўқитувчининг маҳоратидан» деб ўз сўзида доимо таъкидлайди ўқитувчи. — «Ҳар кунги адабиёт дарси турли йўналиш, усулларда қизиқарли ва самарали, аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши керак», деб ўқитувчилик фаолиятида шиорга айланган фикрларига амал қилиб, эртаю кеч ишлади ва касбдошларини шунга даъват этиб келди.

Ижодкорлик, талабчанлик доимий шиорига айланган сафдошимиз 2000 йилдан республика Таълим марказида фаолият кўрсатиб келади. Фаолияти давомида бош методист, сектор бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи лавозимларида халқ таълими тизимида она тили ва адабиёт фанини ўқитиш самарадорлигини кўтариш, амалиётчиларга методик хизмат кўрсатиш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Унинг муаллифлигида 50дан ортиқ илмий-методик мақола, тавсия, методик қўлланмалар чоп этилган. «Алишер Навоий ғазаллари асосида баҳру байт», «Адабий таълимда илғор педагогик технологиялар», «5—9-синфлар учун адабиётдан тестлар тўплами», «Адабиётдан замонавий дарс турлари» методик қўлланмалари ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИнинг илмий-амалий конференция материалларида «Ўқув-методик мажмуалар мазмунига миллий истиқлол ғоясини сингдириш йўллари ва воситалари», «Ўзбек тили доимий анжумани 6, 7, 8, 9,10-йиғинларининг материаллари тўпламлари»да «Баҳру байт ўйинлари орқали ўқувчи ижодий тафаккурини ўстириш», «Илғор педагогик технологиялар асосида истиқлол ғояларини сингдириш», «Фанлараро алоқа адабиёт таълим самарадорлигини ошириш воситаси сифатида», «Уй вазифаси — долзарб муаммо», «Мактаб адабий таълимида узвийлик» каби илмий-методик мақолалари чоп этилган.

К.Усмонова мураббий сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг иштирокида 2002—2010 йиллар мобайнида республикамизнинг деярли барча ҳудудида таълимнинг долзарб муаммоларига бағишланган 50дан ортиқ республика ва ҳудудий семинар-тренинглар ўтказилди. У РТМ қошидаги адабиёт фани бўйича илмий-методик кенгаш фаолиятини изчил ва унумли ташкил этишда ҳам масъулият билан иш олиб борди.

Ҳозирги фаолияти давомида она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий маҳоратларини ошириш, таълим муассасаларига методик хизмат кўрсатиш, адабиёт таълими мазмунини янгилаш, такомиллаштириш, дарсликларнинг янги авлодини, электрон дарсликлар, кўрсатмали қуроллар яратиш каби жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, у Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти филология факультети ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасида «Илғор педагогик технологиялар — адабий таълим самарадорлигини ошириш омили» мавзуида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш билан бирга талабаларга илғор педагогик технологиялар асосидаги дарсларни қандай ташкил этиш ва уни амалга ошириш методикаси сирларини ҳам ўргатиб бормоқда.

Аёл борки, она бўлишни орзу қилади. Оналик эса мураббийлик демак. Шу бахтга муяссар бўлган одам умрининг охиригача бу «касби-кор»га содиқ қолиши керак. Оналик унвони ва салтанатига эга бўлгач, аёлнинг юраги қайта яралади, жами фаолияти, фалсафаси шу салтанатнинг иқлимига мослашади. Комилахон Усмонова шундай мустаҳкам ва намунали оила салтанатининг соҳибаси. Уч нафар фарзандни вояга етказган. У эзгу амаллари билан ўзида ғурур, сурурни ҳис этган, бир сўз билан айтганда, дилида шукроналик сезилиб турган бахтли аёл.

**Муҳаббат АБДУРАИМОВА,**
**РТМ бўлим бошлиғи,**
**Гулсара ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**РТМ методисти**

*Xotira — muqaddas*

# ПЕДАГОГИКА ФАНИ ФИДОЙИСИ ЭДИ

Илм — машаққатли йўл. Бу манзилни ахтарган кишидан кечаю кундуз изланиш талаб этилади. Ҳатто бир муддат бир жойда қотиб қолиш ўнглаб бўлмас вазиятни яратади. Ёш авлоднинг маънавий-маърифий ривожида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга бўлган устоз, педагогика фанлари доктори, профессор Сиддиқ Ражабов 1926 йили мактабни битириб, 1927 йили Фарғона педагогика билим юртига ўқишга киради. Билим юртини муваффақиятли тамомлаб, Фарғона педагогика институтида таҳсилни давом эттиради.

У 1933 йили ўқишни имтиёзли тамомлагач, институт Илмий кенгаши ёш йигитдаги илмга ташналик, ўз устида қунт билан ишлаш қобилиятини ҳисобга олиб, уни педагогика кафедрасига ассистентликка тавсия этди. Бўлажак олим Ўрта Осиё мутафаккирлари ва атоқли педагогларнинг асарларини қунт билан ўрганди. Эгаллаган билимлари ва тўплаган тажрибалари асосида маҳаллий матбуотда унинг дастлабки педагогик мақолалари чиқа бошлади.

Сиддиқ Ражабов 1934—37 йилларда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти (ЎзПФИТИ)да аспирантурада ўқиди. Аспирантурани тугатгач, ЎзПФИТИга илмий ходим ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги университет) педагогика кафедрасига ўқитувчи этиб тайинланди. Шу йиллари С.Ражабов кечки педагогика институти директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ҳам ишлади. 1941 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Устоз ҳаётининг матбуот билан боғлиқ йиллари ҳам сермазмун кечди. У 1941 йили ҳозирги "Ўзбекистон овози" газетасига муҳаррир ўринбосари, 1943 йил апрелида эса муҳаррир вазифасига тайинланди. Лекин жонкуяр мураббий халқ таълими ва педагогика масалаларидан узоқлашмади, аксинча, ёш авлодни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари билан қизиқиб, қатор илмий мақолалар чоп этди, педагогика тарихи, халқ таълими тараққиёти, шунингдек, йирик педагогларнинг меросига оид китоб ва рисолалар яратди.

С.Ражабов 1947 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги университет) педагогика кафедрасига мудир қилиб тайинлангандан кейин илмий педагогик фаолиятини янада ривожлантиришга кенг имконият яратилди. 1958 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олимнинг мазкур илмий тадқиқоти республикамиз халқ таълими тараққиёти, мактабларимиз тарихини ўрганиш йўлидаги дастлабки муҳим қадам эди.

1961 йили С.Ражабов ЎзПФИТИга директор этиб тайинланди. Институтда янги секторлар тузилди. Секторлар ҳузурида лабораториялар ташкил этилди. С.Ражабов фақат раҳбарлик фаолияти билан чекланиб қолмай, кўплаб илмий ва ўқув-методик ишлар устида ҳам самарали фаолият юритди. Шунингдек, талабалар учун нашр этилган "Педагогика" дарсликларининг ҳаммуаллифи бўлди.

Устозининг ТДПИ умумий педагогика кафедраси катта жамоасига раҳбарлиги даврида мураббийлик фаолияти қаторида бир неча йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Жумладан, педагогика фанининг методологик муаммолари, одоб-ахлоқ ва тарбия масалалари, олий таълим дидактикаси, педагогика тарихини ўрганиш ва унинг ривожланиш истиқболларини таҳлил этиш унинг илмий фаолиятида марказий ўрин тутди.



Амалга оширилган илмий-ижодий ишлар натижаси сифатида олимнинг 260га яқин илмий, илмий-оммабоп мақоласи, рисола, қўлланма, дарслик ва монографиялари эълон қилинди.

1977 йил май ойида ТДПИ ҳузурида фан номзоди илмий даражаси берадиган Ихтисослашган кенгаш ташкил этилди. Мазкур кенгашга академик С.Ражабов раислик қилди, шунингдек, олимлар фаолиятининг самарали бўлишини таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Академикнинг самарали меҳнати сифатида 7 нафар фан доктори ва 200 нафардан ортиқ педагогика фанлари номзодлари тайёрланди.

Бу улуғ инсоннинг сурати ҳам, сийрати ҳам гўзал эди. Мураббий илмда ҳақиқий, изчил тадқиқотлар қилди. Аҳиллик, ҳалоллик у кишининг тамойили эди, педагогика фанининг илмий, назарий ҳамда амалий жиҳатларини бир-бирига мутаносиб равишда амалга ошириб, ёш авлод тарбиясининг турли қирраларини намоён қилар эди. Шу билан бир қаторда, оддий, беғараз, самимий инсон эдики, у кишидан ҳар қандай одам яхши маслаҳат, маънавий мадад ола биларди. Одамларга яхшилик қилиш Сиддиқ Ражабовнинг ҳаёт шиори эди.

**Комилжон ҲОШИМОВ,**
**Жамол ЖАЛОЛОВ,**
**профессор**


*E'lon*

# ТАНЛОВДА ИШТИРОК УЧУН ТАКЛИФ

**Танлов тартиб рақами:** ЎМКХТД-2010
**Танлов номи:** дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш юзасидан танлов.
**Буюртмачи:** Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.
**Манзил:** Тошкент шаҳар 100095, Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй.
**Молиялаштириш:** давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танловда банкротлик жараёнида бўлмаган, мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи бўлмаган ҳамда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия)га эга ва илгари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларини лозим даражада бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Давлат реестрида рўйхатга олинганига олти ой муддатдан кам бўлган корхоналар бундан мустасно.

Қатнашчи харидорга шартномани бажариш қобилияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши ва мазкур ҳужжатлар танлов ҳужжатининг II бобида келтирилган талабларга жавоб бериши керак.

Танлов комиссияси ўзининг эҳтиёткорлик чораларидан келиб чиққан ҳолда I бобнинг 6-бандида белгаланган тартибда танлов ҳужжатларига қўшимча киритиш орқали таклифларни топширишнинг охирги муддатини узайтириши мумкин. Бунда қатнашчиларнинг ҳуқуқлари таклифнинг охирги топширилиш муддатини ўзгарган муддатга пропорционал равишда ўзгаради.

Танловда қатнашиш истагини билдирган ва танлов ҳужжатларини харид этган нашриётлар танлов эълон қилинган кундан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9:00дан 18:00гача танловга тегишли қўшимча маълумотларни Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Янги авлод дарсликлари ва ўқув методик адабиётлар яратиш бўлимидан олишлари (манзил: Тошкент шаҳар 100095, Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй. Телефон: (+998 71) 246-14-87, 246-27-11. Факс: (+998 71) 246-14-91) мумкин.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 200 000 (икки юз минг) сўм миқдоридаги қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг кўрсатилган манзилдан Танлов ҳужжатлари олинади:

Махсус ҳисоб рақами №: 20203000903761981001,
АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали,
МФО: 00423, ИНН: 202515618. ОКОНХ 92120

Барча танлов ҳужжатлари асосида талаб этилган ҳужжатлар 2010 йил 30 апрель соат 12:00 га қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Танлов таклифлари 2010 йил 30 апрель соат 15:00 да юқорида келтирилган манзилда қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда қатнашчиларга қайтарилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази қатнашчилар томонидан танлов таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

# ЮКСАК МАРРАЛАР ЙЎЛИ

Обиджон Аҳмедов фарзандлари — Умиджон ва Қодиржонни Марказий ҳарбий спорт клуби қошидаги «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг дзюдо тўгарагига етаклаб борганида, кичик ўғли ҳали 6 ёшда эди. Айни пайтда Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи жисмоний тарбия ва болалар спорти йўналишининг 1-курсида таҳсил олаётган Қодиржон Иброҳимов бир неча йиллик меҳнатининг самараси ўлароқ, 2007 йили Ўзбекистон чемпиони бўлишга эришди.

Албатта, ҳар қандай ютуқ замирида меҳнат ва заҳмат ётади. Хўш, мамлакат чемпиони бўлишгача кечган давр Қодиржон учун қай тариқа ўтган экан?

— Бу натижага эришишимда пойтахтимиздаги 270-мактабда ўқиб юрган чоғларда турли мусобақаларда қатнашганим, Марказий ҳарбий спорт клубида тинмай машғулот олиб боришим асосий сабаб бўлган, деб ўйлайман, — деди иқтидорли ёш спортчи.

Япон тилидан ўгирганда «юмшоқ йўл» маъносини англатувчи дзюдо спорт турининг айрим жиҳатлари ўзбек курашига ўхшаш бўлгани учун юртимизда қисқа фурсатда оммалашди. Ўзбекистон спортчилари ушбу спорт тури бўйича, айниқса, мустақиллик йилларида кўплаб юқори натижаларга эришдилар. Дзюдо бўйича қўлга киритилган катта ютуқлардан бири, шубҳасиз, 2008 йилда Пекинда ўтказилган 29-ёзги

**2010-yil — Barkamol avlod yili**

Олимпиада ўйинларига тўғри келади. Бутунжаҳон спорт ўйинларида мамлакатимиз терма жамоасига дастлабки медални айнан дзюдочимиз Ришод Собиров тақдим этгани барчага маълум. Ўшанда Ришод мусобақада учинчи ўринни эгаллаб, Олимпия ўйинларининг бронза медалини кўксига таққанди. Олимпиада баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси 1та олтин, 2та кумуш ва 3та бронза — жами 6та медални қўлга киритган бўлса, кумуш медаллардан бири айнан дзюдочимиз — Абдулла Тангриевга насиб этгани юртимизда ушбу спорт тури ривожланиш босқичида эканидан далолат берарди.

Қаҳрамонимиз — дзюдо бўйича 2008 йилда Ўзбекистон чемпионати бронза медали совриндори, 2009 йилги мамлакат чемпиони Қодиржон Иброҳимов ҳам дзюдо сирларини ўрганмоқда.

Албатта, қилинган меҳнатнинг самарасини кўриш инсонга ёқимли ҳисларни туҳфа этади. Тинимсиз меҳнат ўз натижасини беришини кутиб яшаган Обиджон Аҳмедов оиласига спорт ана шундай бахтли онларни илк бор тақдим қилганида Қодиржон ҳали етти ёшли бола эди. 2001 йилдан шаҳар биринчилигида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллай бошлаган қаҳрамонимизга бу зафарлар халқаро турнирлар эшигини ҳам очиб берди. Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия давлатларида ўтказилган мусобақаларда 1—2-ўринларни қўлга киритган Қодиржон Иброҳимов бу борада ҳали яна ўрганадиган жиҳатлар кўп эканини англади. 2009 йилда ўз вазн тоифасида яна бир бор Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлган иқтидорли спортчи Ливанда ўтказиладиган Осиё чемпионатига йўлланмани қўлга киритди. Ноябрда бўлиб ўтган қитъа чемпионатида у 50 кг. вазн тоифасида 3-ўринни қўлга киритиб, бронза медали билан тақдирланди.

Албатта, спортчининг бу муваффақиятлари замирида астойдил қилинган меҳнат, оила аъзоларининг ишончи билан бир қаторда спортчига мураббийлик қилаётган устозларининг ҳам ўрни бор. Талабчан мураббий, дзюдо бўйича спорт устаси Комил Тожиев Қодиржонга спорт клубида устозлик қилмоқда.

Шогирд устозидан, устоз шогирдидан кўнгли тўлса, бу — уларнинг ҳамжиҳатликда, бамаслаҳат ишлаб келаётганидан далолат беради. Улардан бир-бири ҳақида сўз сўраган киши спортчининг ҳам, устозининг ҳам кўзида меҳрни кўради.

**Шерали НИШОНОВ**

# КУЧ ВА ҒАЙРАТ БИРЛАШГАНДА

**Xapkido**

Мамлакатимизда нисбатан янги спорт турларидан саналган «Хапкидо» ўзига хос, яъни «хап» — бирлаштирмоқ, «ки» — куч, «до» — йўл, қўл ва оёқда моҳирлик билан зарба бериш, куч-ғайратни тежамкор сарфлаш, жамлаш, тана қувватини борлиқ энергияси билан уйғунлаштиришга олиб борувчи йўл маъноларини англатади. Ушбу спорт тури асли Жанубий Кореяда пайдо бўлган ва шаклланган. Хапкидо федерацияси Тошкентда 2005 йили ташкил этилиб, ўтган фурсат ичида спортнинг бу турини мамлакатимизда кенг ёйиш, унга ёшлар ўртасида қизиқиш уйғотиш, шуғулланувчилар сафини орттириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Яқинда пойтахтимизда «хапкидо» спорт тури бўйича кўргазмали фестивал бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ташкил этилган матбуот анжуманида федерация раҳбарияти, Кореядан ташриф буюрган мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда жам бўлганлар мазкур спорт тури, унинг ўзига хос жиҳатлари хусусида атрофлича фикр юритдилар. Йиғилганларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан тўлақонли жавоб берилди.

— Хапкидо шуғулланувчининг жисмонан бақувват, кучли ва серғайрат бўлишига ёрдам беради. Унинг бошқа спорт турларидан фарқли ва афзал жиҳати шундаки, у билан турли ёшдаги кишилар шуғулланиши ва ҳаракатлар кетма-кетлиги, амал қилиниши талаб этиладиган жиҳатларини тез ва осон ўзлаштириб олишлари мумкин, — дейди Тошкент шаҳар Хапкидо федерацияси вице-президенти Али-Акбар Васихов.

**Шоҳсанам НИЁЗОВА,**
**ЎзЖДТУ талабаси**

# НУКУСДА БАҲОРИЙ МУҲОРАБА

**Qizlar sporti**

Республикамизнинг турли гўшаларида, вилояту шаҳарларида ҳам йирик спорт байрамларини ташкиллаштириш яхши анъанага айлантирилмоқда. Яқиндагина Нукус шаҳридаги 2-кўп тармоқли болалар спорт мактабида енгил атлетика бўйича қизлар ўртасида "Баҳор маликаси" совриңи учун кечган баҳсларда ҳам ватандошларимиз бунинг яққол гувоҳи бўлдилар.

Мазкур мусобақада турли масофаларга югуриш борасида Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларидан ҳамда Хоразм вилоятидан ҳаваскор спортчилар қатнашиб, ўз омадларини синаб кўришди.

800 метр масофага югуриш бўйича Мафтуна Дилшодова (Хоразм вилояти)га тенг келадигани топилмади, у барча рақибаларини ортда қолдириб, маррани биринчи бўлиб кесиб ўтди. 200 метр масофага югуриш бобида эса нукуслик Зуҳра Шагилованинг олдига тушадигани бўлмади. Энг қисқа масофа — 60 метрга югуришда хоразмлик Шоҳиста Нурнапасова 1-ўринни олди.

— Енгил атлетика энг қадимги спорт турларидан бири бўлса ҳам, ҳанузгача оммавийлигини йўқотмаган, — деди ўз фикрларини ифодалаб турнир ғолиби М.Дилшодова. — Югуриш менга жуда ёқади. Устозларим доим югуриш барча спорт турларининг асоси дея таъкидлашади. Чиндан ҳам биргина югуриш натижасида одам тана аъзолари шаклланиб боради. Айниқса, тонгги бадантарбия пайтида унинг фойдаси каттадир.

Мўъжазгина мусобақа баҳонасида аҳолига баҳорий кайфият улашилган ушбу тадбирнинг ташкиллаштирилишида бош-қош бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси якунда ғолиб ва совриндорларни диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирлади. Энг асосийси, кўклам қуёшидан нур эмиб, аста-секин уйғонаётган ва жонланаётган табиат қўйнида умргузаронлик қилаётган ёш авлоднинг қалбига спорт орқали яна бир бора кўр ташланди. Унинг самарини яқин келажакдаги ҳайратланарли натижалардан билиб олсак, ажабмас.

**МУХБИРИМИЗ**




## АСОСИЙ ДАЪВОГАР ЮТҚАЗДИ

**Таниқли россиялик теннисчи Светлана Кузнецова АҚШнинг Майами шаҳрида бўлиб ўтаётган нуфузли халқаро турнирнинг чорак финалида мағлубиятга учради.**

Умумий ютуқ жамғармаси 4,5 миллион долларни ташкил этадиган биринчиликда Кузнецова франциялик рақибаси Марион Бартолига имкониятни бой берди.



Энг қизиғи, шу фурсатга қадар Светлана мутахассислар томонидан мазкур турнирнинг 1-рақамли ракеткачиси дея эътироф этилаётган эди. Бартоли эса 13-рақамли теннисчидир. 56 дақиқа давом этган матчда якуний ҳисоб 3:6, 0:6 кўринишини олди. Ярим финал йўлланмасини қўлга киритган франциялик спортчи Янина Викмайер (Бельгия) ва Тимеа Бачински (Швейцария) қарама-қаршилиги ғолибаси билан куч синашади.

## ТЕВЕС ҲАМ АРГЕНТИНАЛИК

**Кейинги вақтларда аргентиналик ҳужумчиларнинг футбол майдонларидаги фаоллиги тез-тез кўзга ташлана бошлади. Испанияда Месси, Агуэро ва Игуаин, Италияда Диего Милито, Англияда эса Карлос Тевес бот-бот тилга олиняпти.**

Тевеснинг Англия премьер лигасидаги навбатдаги тур учрашувида "Уиган" клубига қарши кечган матчда эришган хет-триги фикримизни тасдиқлайди. У қандайдир 12 дақиқа ичида рақиб дарвозасини уч бор ишғол қилишнинг уддасидан чиқди. Ўйиннинг 56-дақиқасида "Уиган" ҳимоячиси Га[illegible] Колдуэл майдондан четлаштирил[illegible]. Шундан сўнг 72-, 74- ва 84-дақиқаларда Тевес "шоу"си амалга оширилди. Мазкур муваффақиятдан кейин Роберто Манчини мураббийлигидаги «Манчестер Сити» жамоаси 56 очко жамғариб, «Ливерпул»ни қувиб ўтишга эришди.



## ЎЗ ТАРИХИДА ИЛК БОРА

**Оммавийлиги жиҳатдан анча барқарор спорт турларидан бири бўлган волейбол бўйича ташкиллаштириладиган биринчиликлар доимо қизғин тус олган, мухлисларнинг тинимсиз олқишлари остида ўтган.**

Италиянинг «Перужи» жамоаси қитъа Чақириқ кубогида зафар қучди. Италиялик волейболчилар финал учрашувида Хорватиянинг



«Младости» жамоасини мағлубиятга учратишди ҳамда ўз тарихида илк маротаба мана шундай улкан ютуқни қўлга киритди. Ҳал қилувчи баҳс 3:0 (25:12, 25:13, 25:20) ҳисобида ниҳоясига етди. Кўриб турганингиздек, перужиликлар рақибларига очко ишлаш учун имконият беришмаган. Учинчи ўрин учун бўлган мусобақада Германиянинг "SCC" жамоаси чехияликларнинг «Дукла»сидан 3:1 (22:25, 25:19, 25:23, 25:22) ҳисобида устун келди.

## ҲЕЧ ҚАНДАЙ "Б" РЕЖА ЙЎҚ

**Хабарингиз бор, футбол бўйича 2012 йилги Европа чемпионати Польша ҳамда Украина давлатларида ўтказилиши белгиланган. Бу мамлакатларда аллақачон тайёргарликлар бошлаб юборилган. Аммо Украина билан боғлиқ муаммолар ҳамон ўз ечимини топмаяпти.**

Яқинда Брюссель шаҳрида УЕФА раҳбари Мишель Платини бошчилигида Украинадаги қурилиш жараёнининг бораётгани хусусида махсус йиғилиш бўлиб ўтди. Президент Киевдаги асосий спорт мажмуасидаги қурилиш ишларининг жадаллик билан амалга оширилмаётганини таажжуб билан гапираркан: "Агар Киев чемпионатга тайёр бўлмаса, демак, Украина ҳам тайёр эмас! Агар биринчилик Киевда бўлмаса, демак, Украинада ҳам бўлмайди", — деди. Шунга қарамай, Платини берилган муддат ичида Украинада қурилиши керак бўлган 4та стадионнинг (Киев, Донецк, Львов, Харьков шаҳарларида) шай бўлишига ишонч билдирмоқда. «Бизда ҳеч қандай «Б» режаси йўқ. Қарор қабул қилинган, ҳозирча уни ўзгартиришни ўйламаяпмиз», — деди Платини журналистларга берган интервьюси давомида.



# ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ҚИЗИЛ КИТОБ»И

## у табиатни асрашга даъват этади

Табиат — битмас-туганмас хазина. Унинг сирларидан воқиф бўлишга интилаётган одамзот учун табиат бойликлари азал-азалдан хизмат қилиб келади. Табиий ресурслардан оқилона ва эҳтиёткорона фойдаланмаслик оқибатида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги айрим турлар йўқолиб кетаётганлигидан кўз юмолмаймиз. Саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалигининг жадал суръатлар билан ривожланиб бориши ҳамда табиий майдонларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиши экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқдаки, бунинг асосий салбий оқибати ўсимлик ва ҳайвон турларининг камайишида кўринади. Ана шу хавфдан кенг жамоатчиликни огоҳ этиш, мумкин қадар камайиб кетаётган турларни сақлаб қолиш, уларни кўпайтириш мақсадида мутахассис олимлар Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»ини уч марта нашр эттиришди.

«Қизил китоб» йўқолиб бораётган ёки йўқолиш хавфи остида турган ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларини қайд этувчи давлат миқёсидаги ҳужжат ҳисобланади. Унда камёб ўсимлик ва ҳайвонларнинг тарқалиш ҳудуд (ареал)лари, камайиш сабаблари кўрсатилиб, уларни тезликда муҳофаза қилиш учун тавсиялар берилади. Ушбу китобга кирган флора ва фауна турлари ўзининг табиатда сақланиш даражасига қараб учта гуруҳга бўлинади: мутлақо йўқолиш арафасидаги турлар, йўқолиш хавфи остидаги турлар, бевосита йўқолиш хавфи бўлмасада, кичик майдонларда камдан кам сақланиб қолган нодир турлар.

«Қизил китоб»нинг биринчи нашри 1983 йили босилган бўлиб, унда камайиб кетган умуртқали ҳайвонлар (1-жилд) жамланган. Ноёб ўсимликларга бағишланган (2-жилд) нашри эса 1984 йили чоп этилган. Биринчи жилдга юртимизда ҳаёт кечираётган 650дан ортиқ умуртқали ҳайвон турларидан 63таси киритилган.

Ўзбекистон флорасида 4500га яқин турнинг 163таси биринчи нашрдан ўрин олган. Ўсимлик турларининг кўплаб йўқолиб кетиши флора оламидаги генофонднинг камайишига сабаб бўлади. Ҳар қандай турнинг йўқолиши тиклаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади, бинобарин, ёввойи ўсимликлар қишлоқ хўжалигида экиладиган маданий навлардан ҳосил олишда жуда катта роль ўйнайди. Улар орасида жиддий муҳофазага муҳтож кўпгина камёб, эндем ва реликт турлар ҳам бор. Бундай турлар 400дан ортиқ бўлиб, улар Ўзбекистон флорасининг 10—12 фоизини ташкил этади.

Табиатга, ўсимликлар дунёсига нисбатан нотўғри муносабатда бўлишга чек қўйиш, табиат бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш барчамизнинг асосий бурчимиздир. Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар ўлкамиз флорасидан яна 138та ўсимлик турини «Қизил китоб»га киритиш лозимлигини кўрсатмоқда. Хусусан, дунёга донғи кетган лола, саллагуллилар, қимматбаҳо ўсимлик — етмак, ширач турлари, доривор ўсимлик — бозулбоғ, озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган анзур ва писком пиёзлари бутунлай камайиб кетди. Бир қанча турлар йўқолиб кетиш ҳолатига келиб қолди.

«Қизил китоб»нинг сўнгги нашри 2006 йили чоп этилган бўлиб, балиқларнинг 17 тури (кенжа турлари билан 18та), судралиб юрувчиларнинг 16 тури, қушларнинг 48 тури (кенжа турлари билан 51та), сутэмизувчиларнинг 23 тури (кенжа турлари билан 24та) ундан ўрин олган. Солиштирилганда, 2003 йилдаги нашрда умуртқали ва умуртқасиз ҳайвон турлари 177та тур ва 7та кенжа турни ташкил қилган. Демак, ўтган уч йил мобайнида камайиб кетаётган турлар сони кўпайган.

Китобнинг олдинги авлодларидан фарқи шундаки, ҳар бир турнинг қайси тоифага мансублиги изоҳи билан берилган. Масалан, йўқ бўлиб кетганлари — EX, мамлакатда йўқолиб кетганлари — EW, йўқолиш хавфи остида турганлари — EN белгилари билан кўрсатилган. Китобда ҳар бир тур учун алоҳида саҳифалар мавжуд бўлиб, унда ҳайвон турларининг республикамизда тарқалиши, яшаш муҳити, табиатдаги умумий сони, кўпайиши, тарқалиш чегараларидаги ўзгариш сабаблари, муҳофаза қилиш йўллари батафсил баён этилган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш борасида бир қанча жиддий тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни янада жадаллаштириш, бу камёб ва йўқ бўлиб кетаётган ҳайвонлар, ўсимликлар муҳофазасини кучайтиришга ҳамда сонини тиклашга хизмат қилиши керак. Республикамизда ташкил этилган олтита тоғ (Ҳисор, Зомин, Китоб, Нурота, Сурхон, Чотқол), учта чўлтўқай (Қизилқум, Бадай-Тўқай, Зарафшон) қўриқхонаси, иккита миллий боғ (Зомин, Угом-Чотқол), тўққизта буюртмахона (Арнасой, Денгизкўл, Қорақир, Қоракўл, Қарнабчўл, Қўшработ, Сайғоқли, Сармиш, Судочье) ва иккита табиий ёдгорликдан (Вардонзе, Ёзёвон) иборат экологик тармоқ ҳайвонот оламининг комплекс муҳофазасига ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишга хизмат қилмоқда. Нафақат республикамизда, балки бутун минтақада ягона, камёб ҳайвонларни кўпайтириш, уларни сақлаш ва реинтродукция қилиш билан шуғулланувчи «Жайрон» экомаркази ҳам алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудуд мақомига эга.

Атроф-муҳитни экологик жиҳатдан соғломлаштириш жараёнларини уйғунлаштириш ва биологик ресурсларни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Фанлар академияси бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда «Биологик хилма-хилликни сақлашнинг миллий стратегияси ва ҳаракат режаси»ни ишлаб чиқиш ташаббусини ўз зиммасига олган. Ушбу ҳужжат Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳам маъқулланиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди.

Ўзбекистон табиатининг ранг-баранглиги, унинг ҳудудида учрайдиган ўсимлик ва ҳайвонот турларидаги ўзига хослик ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Ўзбекистон



«Қизил китоб»и эса камайиб бораётган флора ва фауна турларига муносабатни ўзгартиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Зоологлар, ўсимликшунос олимлар ушбу китобнинг янги нашрини тайёрлашга киришганлар. Ушбу китоб материалларини мактаб, лицей, коллеж ўқувчиларига ва олий ўқув юртлари талабаларига тегишли фанлар орқали етказиш педагог-мураббийларнинг асосий вазифаси бўлса, айни муддаодир.

**Зувайдулла ИЗЗАТУЛЛАЕВ,**
**СамДУ профессори, биология фанлари доктори,**
**Худойберган ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**ЎзМУ доценти**







Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi:
Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-222.
Tiraji 46913.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Qurbonboy MATQURBONOV.
Navbatchi: Zohidjon XOLOV.

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.*
*Ⓜ belgisi ostida reklama materiallari beriladi.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
ЎзА якуни — 21.00